

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

43-сон
(907)
2019 йил
28 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

811. «Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги ўРҚ–572-сон Қонуни
812. ««Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги ўРҚ–573-сон Қонуни
813. «Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 октябрдаги ўРҚ–574-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

814. «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ–5850-сон Фармони
815. «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ–5853-сон Фармони
816. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги ПФ–5856-сон Фармони
817. «Давлат томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш учун тендер ҳужжатларини ва техник вазифаларни комплекс экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 октябрдаги ПҚ–4493-сон қарори
818. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Ўзбекқўмир» акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4234-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ–4497-сон қарори
819. «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги ПҚ–4498-сон қарори

Бешинчи бўлим

820. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 14 октябрдаги 2019-56-сон «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-8*)
821. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 14 октябрдаги 2019-57-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370-3*)

822. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги 483-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1135-1*)
823. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 10 октябрдаги 01-02/12-58-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-5*)
824. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 24 октябрдаги 485-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3033-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 19 октябрдан 25 октябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

811 Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 14 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Гаров тўғрисида»ги 736–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг иккинчи қисмидаги** «ҳақли бўлади, қонунда белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар «қонунда назарда тутилган тартибда ҳақли бўлади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров тўғрисидаги шартномада тарафларнинг номи, жойлашган ери (яшаш жойи), гаровнинг тури, гаров нарсаси ва унинг баҳоси, гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг моҳияти, миқдори ва бажарилиш муддати, гаровга қўйилган мол-мулкнинг тавсифи, шунингдек тарафларнинг келишувига эришилган бошқа маълумотлар ёхуд гаров нарсасини ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятни идентификация қилиш учун етарли бўлган маълумотлар кўрсатилади. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши керак.

Гаров нарсаси мол-мулкни умумий тавсифлаш орқали, шу жумладан мазкур мол-мулкни алоҳида тур ёки тасниф сифатида тавсифлаш воситасида идентификация қилиниши мумкин.

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 октябрда эълон қилинган.

Гаров билан таъминланадиган мажбурият гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан қопланиши мумкин бўлган мажбуриятнинг энг кўп суммасини кўрсатиш йўли билан идентификация қилиниши мумкин.

Гаров нарчасини баҳолаш гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ гаров нарчасини баҳолашдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади»;

3) **15-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровда турган мол-мулкни гаровга қўювчи томонидан ўзга шахсга (гаровга олувчига) бошқа талабларни таъминлаш учун бериш навбатдаги гаров ҳисобланади.

Навбатдаги гаровга, агар у гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда тақиқланмаган бўлса ҳамда башарти олдинги ва навбатдаги гаровга олувчилар томонидан гаров реестрига тегишли ёзув киритилган бўлса, йўл қўйилади.

Агар олдинги гаров шартномасида навбатдаги гаров шартномасини тузиш мумкин бўлган шартлар назарда тутилган бўлса, бундай гаров шартномаси олдинги шартномада кўрсатилган шартларга амал қилган ҳолда тузилиши керак. Кўрсатилган шартлар бузилган тақдирда олдинги гаровга олувчи шу туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни гаровга қўювчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Навбатдаги гаровга олувчининг талаби олдинги гаровга олувчиларнинг талабларидан кейин, қонунда белгиланган тартибда ушбу мол-мулкнинг қийматидан қаноатлантирилади.

Гаровга берувчи гаровга олувчиларнинг ҳар бирига мазкур мол-мулкнинг барча мавжуд гаровлари тўғрисида, шунингдек ушбу гаровлар билан таъминланган мажбуриятларнинг миқдори ҳақида хабар бериши шарт ҳамда бу мажбуриятлар бажарилмаганлиги туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарарлар учун жавобгар бўлади»;

4) **16-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки уни хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи гаровга қўювчидан ушбу мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд универсал ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади, бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи (хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи) гаровни сақламаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга олувчи розилик билдирган ҳоллар мустасно»;

5) **19-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«учинчи шахсларни гаров нарчасига бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш орқали хабардор қилиш»;

иккинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **учинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбошиси «қонун ҳужжатларида» деган сўзлардан кейин «ёки шартномада» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **25-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор томонидан кредитор олдидаги мажбурият бажарилмаган тақдирда, қарздорнинг мажбуриятини таъминлаш учун гаровни тақдим этган учинчи шахс (мулкӣ кафил) ундирувни гаров нарсасига қаратишдан сақланиш мақсадида бу мажбуриятни гаров нарсасининг қиймати доирасида бажаришга ҳақлидир»;

7) **27-модда:**

учинчи қисмидаги «суд қарорига мувофиқ» деган сўзлар «суд ҳужжатига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) қонунда бошқа шахснинг ёки органнинг розилиги ёки рухсати ҳақидаги талаб белгиланган бўлса»;

8) **28-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган, гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий равишда реализация қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида, электрон онлайн-аукцион шаклидаги очиқ кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорда уни очиқ кимошди савдосида сотишни бир йил муддатгача кечиктиришга ҳақли. Кечиктириш ушбу мол-мулкнинг гарови билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди ҳамда кредиторнинг кечиктириш вақти мобайнида қўпайган зарарларининг ўрнини қоплашдан ва неустойкани тўлашдан қарздорни озод этмайди.

Агар мол-мулк бир нечта кредитор олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул маблағлари мазкур мажбуриятларни қонунда белгиланган навбат бўйича бажаришга йўналтирилади.

Гаровга қўйилган, суддан ташқари тартибда ундирув қаратилган мол-мулк кимошди савдосида сотиш, бевосита сотиш, кредитга, лизингга, ижарага бериш, бўлиб-бўлиб сотиш йўли билан ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши мумкин.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш чоғида тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, у, қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма мавжуд бўлмаган тақдирда, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда, қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш чоғида тушган сумма гаровга олувчиларнинг гаров билан таъминланган талаблари миқдоридан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтарилади.

Гаровга қўйилган мол-мулкни суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини бажариш чоғида реализация қилиш бўйича кимошди савдолари электрон онлайн-аукцион шаклида амалга оширилади»;

9) **29-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29-модда. Гаровга қўйилган мол-мулкни гаров билан таъминланган мажбуриятни суддан ташқари тартибда қоплаш учун қабул қилиш

Кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишувга кўра, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нарҳини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаров нарчасини реализация қилинмаган гаров нарчасини такрорий кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нарҳидан кўпи билан ўн фоиз камроқ суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли. Бунда гаровга олувчи ўзида олиб қолинаётган мол-мулкнинг қабул қилинаётган қиймати билан мажбуриятнинг қопланган миқдори ўртасидаги ижобий фарқни (мавжуд бўлган тақдирда) тўлаши шарт.

Агар гаровга олувчи гаров нарчасини ўзига олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой давомида фойдаланмаса, гаров шартномаси бекор қилинади»;

10) **32-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «кимошди савдосида сотилган» деган сўзлар «реализация қилинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **36-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Гаровга олувчи томонидан учинчи шахсга сақлаш учун берилган гаров нарчаси гаровга олувчида қолдирилган деб ҳисобланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Банкротлик тўғрисида**»ги 1054–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **92-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ташқи бошқарув жорий этилишидан олдин, мазкур тартиб-таомил жорий этилгандан кейин олинган ҳосилга, маҳсулотга ва қарздорнинг маж-

буриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган даромадларга нисбатан кредиторнинг ўз талабларини бажариш таъминоти сифатидаги ҳуқуқи татбиқ этилмайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **93-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредиторнинг илтимосномасига биноан суд қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида мазкур кредиторнинг фойдасига қайси пул мажбуриятлари бўйича мол-мулк берилган бўлса, ўша пул мажбуриятларини мораторийнинг таъсир доирасидан чиқариш тўғрисида, агар мол-мулк ташқи бошқарувни амалга ошириш учун зарур бўлмаса, ажрим чиқариши мумкин»;

3) **125-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тугатишга доир иш юритиш бошланишидан олдин, мазкур иш юритиш бошлангандан кейин олинган ҳосилга, маҳсулотга ва қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган даромадларга нисбатан кредиторнинг ўз талабларини бажариш таъминоти сифатидаги ҳуқуқи татбиқ этилмайди»;

иккинчи — тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи — бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **131-модданинг учинчи қисмидаги** «гаров нарсаи бўлган» деган сўзлар «мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида турган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **133-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«133-модда. Кредиторларнинг қарздорнинг мол-мулки билан таъминланган талабларини қаноатлантириш

Кредиторларнинг қарздорнинг мол-мулки билан таъминланган талабларини қаноатлантириш ушбу мол-мулк сотилганидан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу маблағларнинг қолдиғи кредиторларнинг талабларини ушбу Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбатга мувофиқ қаноатлантириш учун мўлжалланади.

Агар қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган талабларини тўла қаноатлантириш учун етарли бўлмай қолса, талабларнинг қолган қисми ушбу Қонуннинг 134-моддасида белгиланган навбатга мувофиқ қаноатлантирилиши керак.

Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкни реализация қилиш бўйича очиқ кимошди савдоси ва (ёки) такрорий очиқ кимошди савдоси амалга ошмаган деб топилган тақдирда, мазкур мол-мулк талаблари ушбу мол-мулк билан таъминланган кредиторларга ўз талаблари ҳисобига ўтказиш учун белгиланган тартибда қабул қилиш учун таклиф этилади. Агар қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкнинг бозор қиймати кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган талабларидан кўп

бўлса, бунда юзага келган фарқнинг ўрни мазкур мол-мулкни ўз талаблари ҳисобига қабул қилаётган кредиторлар томонидан пул шаклида қопланади.

Агар қарздорнинг бутун мол-мулки мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида қабул қилинган бўлса ва мазкур мол-мулкни сотишдан тушган сумма кредиторларнинг қарздорнинг барча мол-мулки билан таъминланган талаблари суммасидан кам ёки унга тенг бўлиб қолса, ушбу кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш ушбу Қонун 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган харажатларнинг ўрни қопланганидан ва талаблар қаноатлантирилганидан кейин ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича талаблар қаноатлантирилганидан кейин амалга оширилади»;

б) 134-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иккинчи навбатда мажбурий тўловлар бўйича, мажбурий суғурта бўйича, банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар, шунингдек кредиторларнинг қарздор мол-мулки билан таъминланган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни сотишдан тушган сумма етарли бўлмаганлиги туфайли қопланмай қолган қарздорликка тааллуқли қисми борасидаги талаблари ҳамда кредиторларнинг қарздор мол-мулки билан таъминланмаган талаблари қаноатлантирилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1,

3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **290-модда:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мол-мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилгандан кейин суриштирувчи ёки терговчи томонидан гаров реестрига бир кун ичида тегишли ёзув киритилади, мол-мулкни хатлаш ҳақида суд ажрими чиқарилгандан кейин эса, қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли бўлган органлар томонидан уч сутка ичида шундай ёзув киритилади»;

саккизинчи ва **тўққизинчи қисмлари** тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **295-модданинг матни** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда гаров реестридан мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги ёзув чиқариб ташланади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **259¹-модда** билан тўлдирилсин:

«259¹-модда. Кредиторларнинг талабларини қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулки ҳисобидан қаноатлантириш

Қарздор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, кредиторнинг мол-мулк билан таъминланган мажбуриятлар бўйича талаблари

ушбу мол-мулкнинг қийматидан мазкур мол-мулк ўзига тегишли бўлган шахснинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли равишда қаноатлантирилади. Кредиторнинг имтиёзли ҳуқуқи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган мол-мулкдан фойдаланишдан ёки уни реализация қилишдан олинган ҳосилга, маҳсулотга ва бошқа даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган, гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритган кредиторлар гаров реестрига тегишли ёзувни киритмаган кредиторлар олдидаги ўз талабларини қаноатлантиришда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Айни бир мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига ёзув киритган кредиторларнинг талаблари қуйидаги навбатга мувофиқ қаноатлантирилади:

биринчи навбатда мазкур мол-мулкни ушлаб қолиш орқали таъминланадиган мажбуриятлар бўйича талаблар қаноатлантирилади;

иккинчи навбатда мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни олиш ёки кредитор томонидан ушбу мол-мулкни қарздорга беришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича талаблар қаноатлантирилади;

учинчи навбатда, агар мол-мулк кредитор томонидан тақдим этилган маблағлар ёки мол-мулк ҳисобидан олинган (ишлаб чиқарилган) бўлса, мол-мулк билан таъминланадиган мажбуриятлар бўйича талаблар қаноатлантирилади;

тўртинчи навбатда мазкур мол-мулк билан таъминланган бошқа барча мажбуриятлар бўйича талаблар қаноатлантирилади.

Кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш навбати улар томонидан гаров реестрига тегишли мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни киритишнинг хронологик тартибига (вақти ва санасига) мувофиқ аниқланади. Бунда кредиторларнинг ҳар бир кейинги навбатдаги талаблари кредиторларнинг олдинги навбатдаги талаблари тўлиқ қаноатлантирилганидан сўнг қаноатлантирилади.

Мол-мулкка бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестрига киритмаган кредиторларнинг талаблари мазкур мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестрига киритган кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан кейин ушбу мол-мулкнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда, бундай ҳуқуқлар юзага келишининг календарь навбатига мувофиқ қаноатлантирилади.

Кредитор ўз талабини қаноатлантириш навбатидан ўзганинг фойдасига воз кечишга, агар бу воз кечиш бошқа кредиторларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўймаса, ҳақли»;

2) **264-модданинг иккинчи қисмидаги** «қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин» деган сўзлар «қонунда назарда тутилган тартибда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **271-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаси ва унинг баҳоси, гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг моҳияти, миқдори ва бажарилиш муддати ёхуд гаров нарсасини ҳамда гаров билан таъминланадиган мажбуриятни идентификация қилиш учун етарли бўлган маълумотлар кўрсатилади. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши керак.

Гаров нарсаси мол-мулкни умумий тавсифлаш орқали, шу жумладан мазкур мол-мулкни алоҳида тур ёки тасниф сифатида тавсифлаш воситасида идентификация қилиниши мумкин.

Гаров билан таъминланадиган мажбурият гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан қопланиши мумкин бўлган мажбуриятнинг энг кўп суммасини кўрсатиш йўли билан идентификация қилиниши мумкин.

Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек нотариал тартибда тасдиқланиши керак бўлган шартнома бўйича мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Ипотека тўғрисидаги шартнома тегишли мол-мулкка доир битимларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ушбу модданинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларидаги қоидаларга риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради»;

4) 273-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровда турган мол-мулк гаровга қўювчи томонидан бошқа талабларни таъминлаш учун гаровга (навбатдаги гаровга) берилиши мумкин.

Навбатдаги гаровга, агар у гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда тақиқланмаган бўлса ҳамда башарти олдинги ва навбатдаги гаровга олувчилар томонидан гаров реестрига тегишли ёзув киритилган бўлса, йўл қўйилади.

Гаровга қўювчи ҳар бир навбатдаги гаровга олувчига ушбу мол-мулкнинг мавжуд бўлган барча гаровлари ҳақида маълум қилиши шарт ва у ушбу мажбуриятни бажармаслик туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарар учун жавоб беради.

Агар олдинги гаров шартномасида навбатдаги гаров шартномасини тузиш мумкин бўлган шартлар назарда тутилган бўлса, бундай гаров шартномаси олдинги шартномада кўрсатилган шартларга амал қилган ҳолда тузилиши керак. Кўрсатилган шартлар бузилган тақдирда олдинги гаровга олувчи шу туфайли етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашни гаровга қўювчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Агар гаровга қўйилган мол-мулк бошқа талабларни таъминлаш учун яна бир гаровнинг (навбатдаги гаровнинг) нарсасига айланса, навбатдаги гаровга олувчининг талаблари ушбу Кодексда белгиланган тартибда мазкур мол-мулкнинг қийматидан қаноатлантирилади»;

5) 280-модда:

учинчи қисмидаги «суд қарорига» деган сўзлар «суд ҳужжатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин;

«1) қонунда бошқа шахснинг ёки органнинг гаров тўғрисида шартнома тузиш учун розилиги ёхуд рухсати ҳақидаги талаб белгиланган бўлса»;

6) 281-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 280-моддасига мувофиқ ундирув қаратилган, гаровга қўйилган мол-мулкни мажбурий равишда реализация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион шаклидаги очиқ кимошди савдосида сотиш орқали амалга оширилади.

Гаровга қўювчининг илтимосига кўра, суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги қарорда уни очиқ кимошди савдосида сотишни бир йил муддатгача кечиктиришга ҳақли. Кечиктириш ушбу мол-мулкнинг гарови билан таъминланган мажбурият бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди ҳамда кредиторнинг кечиктириш вақти мобайнида кўпайган зарарларининг ўрнини қоплашдан ва неустойкани ундиришдан қарздорни озод қилмайди.

Гаровга қўйилган, суддан ташқари тартибда ундирув қаратилган мол-мулк кимошди савдосида сотиш, бевосита сотиш, кредитга, лизингга, ижарага бериш, бўлиб-бўлиб сотиш йўли билан ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши мумкин.

Кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда (ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратилган тақдирда) гаровга олувчи гаровга қўювчи билан келишувга кўра, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиб олишга ва харид нархини гаров билан таъминланган ўз талаблари ҳисобига ўтказишга ҳақли. Бундай келишувга нисбатан олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинганда гаровга олувчи гаров нарсасини реализация қилинмаган гаров нарсасини такрорий кимошди савдосидаги бошланғич сотиш нархидан кўпи билан ўн фоиз камроқ суммада баҳолаб, ўзида олиб қолишга ҳақли.

Агар гаровга олувчи гаров нарсасини ўзида олиб қолиш ҳуқуқидан такрорий кимошди савдоси амалга ошмаган деб эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида фойдаланмаса, гаров тўғрисидаги шартнома бекор қилинади.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш чоғида тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, у, қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма мавжуд бўлмаган тақдирда, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда, қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

Агар гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш чоғида тушган сумма гаровга олувчиларнинг гаров билан таъминланган талаблари миқдоридан ошиб кетса, фарқ гаровга қўювчига қайтарилади.

Қарздор ёки учинчи шахс бўлган гаровга қўювчи гаров нарсаси реализация қилингунига қадар исталган вақтда гаров билан таъминланган маж-

буриятни ёки унинг муддати ўтказиб юборилган қисмини бажариб, ундирувни гаров нарсасига қаратишни ва уни реализация қилишни тугатишга ҳақли. Бу ҳуқуқни чеклайдиган келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир»;

7) **282-модда иккинчи қисмининг 4-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) бошқа кредиторлар томонидан ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилганда, шу жумладан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилганда»;

8) **283-модда биринчи қисмининг 4-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) гаровга қўйилган мол-мулк реализация қилинган тақдирда, шунингдек уни реализация қилиш мумкин бўлмаган тақдирда (ушбу Кодекснинг 281-моддаси). Ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилган реестрда ипотека тугатилганлиги тўғрисида белги қўйилган бўлиши керак»;

9) **284-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гаровга қўйилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи ёки уни хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи гаровга қўювчидан ушбу мол-мулкни ҳақ олиб ёки ҳақ олмасдан бошқа шахсга бериш натижасида ёхуд универсал ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтган тақдирда гаров ҳуқуқи ўз кучида қолади, бундан муомаладаги товарларнинг гарови ҳамда гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки хўжалик асосида юритиш ҳуқуқи гаровни сақламаган ҳолда бошқа шахсга ўтишига гаровга олувчи розилик билдирган ҳоллар мустасно»;

10) **285-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёки жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун (ушбу Кодекснинг 204-моддаси)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **289-модданинг еттинчи қисмидаги** «(ушбу Кодекс 281-моддасининг учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари)» деган сўзлар «(ушбу Кодекснинг 281-моддаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **422-модда:**

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар сотиб олувчи ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган ва ўзига топширилган товар учун навбатдаги тўловни шартномада белгиланган муддатда амалга оширмаса, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ва гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни товарга қаратишга ҳақли»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарни кредитга сотиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган тақдирда, сотиб олувчи олинган товар улушининг ҳақи тўланган қисмини мажбуриятларни бажариш таъминоти сифатида беришга ҳақли»;

13) **595-модда:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Лизинг шартномасида назарда тутилган тақдирда, лизинг олувчи бошқа

мажбуриятларнинг бажарилиши таъминоти сифатида лизинг объектини мазкур объект қийматининг лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган лизинг тўловларининг қолган суммасидан ортиқ бўлган қисми бўйича бериши мумкин»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

14) **597-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ёки лизинг объектини қайтариб олган» деган сўзлар «ёки гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни лизинг объектига қаратган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Лизинг тўғрисида**»ги 756–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 108-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2016 йил, № 12, 384-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **11-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «лизинг объектини қайтиб олган» деган сўзлар «гаров нарсасини ундириш учун назарда тутилган тартибда ундирувни лизинг объектига қаратган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **21-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномасида назарда тутилган тақдирда, лизинг олувчи бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши таъминоти сифатида лизинг объектини мазкур объект қийматининг лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган лизинг тўловларининг қолган суммасидан ортиқ бўлган қисми бўйича бериши мумкин»;

3) **23-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. Пул суммаларини ундириш ва ундирувни лизинг объектига қаратиш

Пул суммаларини ундириш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади, ундирувни лизинг объектига қаратиш эса ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-мод-

да, № 7, 389-модда, № 8, 469-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **51-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«51-модда. Ундирувни қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкка қаратиш

Қарздорнинг бошқа мол-мулки ушбу мол-мулк билан таъминланмаган, қарздорга қўйилган барча талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, талаблари мазкур мол-мулк билан таъминланган кредиторнинг белгиланган ҳуқуқларига, шунингдек ушбу Қонуннинг 6-бобида назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда ундирув қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкка қаратилиши мумкин. Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулк хатлаб қўйилганда давлат ижрочиси хатлаш амалга оширилганидан кейин уч кунлик муддатда бу ҳақда талаблари ушбу мол-мулк билан таъминланган кредиторларга билдиришнома юборади.

Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма ундирув мазкур мол-мулкка қаратилиши, уни реализация қилиш ва кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган, ундириш учун билдирилган талабларини қаноатлантириш муносабати билан қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаш учун зарур суммалар ушлаб қолинганидан кейин ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақсимланади.

Агар қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма кредиторларнинг ушбу мол-мулк билан таъминланган талабларини тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмай қолса, у ҳолда кўрсатилган талабларнинг қолган қисми ушбу Қонуннинг 80-моддасида белгиланган навбатга мувофиқ қаноатлантирилади.

Агар ундирув қарздорнинг мол-мулки билан таъминланган талабларни қаноатлантириш учун қаратилган бўлса, у ҳолда ундирув қарздорнинг бошқа мол-мулки мавжудлигидан ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, биринчи навбатда қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида берилган тегишли мол-мулки предметига қаратилади»;

2) **53-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Мол-мулк хатловини амалга оширган давлат ижрочиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда гаров реестрига тегишли ёзувни киритади.

Хатлов бекор қилинган тақдирда гаров реестрига илгари киритилган ёзув давлат ижрочиси томонидан ўчирилади»;

3) **54-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит бўйича қарздорликни сўндириш ҳисобига ундирув қаратилаётган гаровга қўйилган мол-мулк қўшимча баҳоланмайди ҳамда тижорат банк

ва қарз олувчи ўртасида тузилган гаров (ипотека) тўғрисидаги шартномада кўрсатилган нарх бўйича реализация қилинади»;

4) 56-модда:

олтинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни ушбу мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича реализация қилиш чоғида мол-мулкни арзонлаштириш амалга оширилмайди ва ушбу мол-мулк биринчи марта баҳоланган нарх бўйича савдо ташкилоти томонидан қайта реализация қилиш учун топширилади»;

еттинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулк ушбу мол-мулк билан таъминланган қарзни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича реализация қилинмаган тақдирда, давлат ижрочиси ундирувчига такрорий аукцион савдосидаги ёки савдо ташкилотлари томонидан қайта реализация қилиш чоғидаги бошланғич сотиш нархидан 10 фоиз камроқ суммадаги мол-мулкни ўзида қолдиришни таклиф қилади»;

тўққизинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир навбатдаги талаблар бўйича бир нечта ундирувчи мавжуд бўлган тақдирда, таклифлар ижро ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларига келиб тушиш навбатига мувофиқ, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкка нисбатан эса қонунда белгиланган навбатга мувофиқ давлат ижрочиси томонидан ундирувчиларга юборилади»;

ўнинчи қисмининг иккинчи жумласидаги «гаровга олувчи реализация қилинмаган гаровга қўйилган мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечганда» деган сўзлар «талаби реализация қилинмаган мол-мулк билан таъминланган кредитор реализация қилинмаган мазкур мол-мулкни ўзида қолдиришдан воз кечганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 80-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги «гаров» деган сўз «мол-мулк» деган сўз билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «Ипотека тўғрисида»ги ЎРҚ–58-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда)

50-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд қарорларининг ижросини амалга оширувчи орган ёки, агар ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка суддан ташқари тартибда қаратилган бўлса, аукцион ташкилотчиси гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан

олинган тушумни қонунда назарда тутилган навбат тартибида тақсимлайди. Бунда кимошди савдосини ёки аукционни ўтказиш учун қилинган чиқимлар ва харажатларнинг ўрнини қоплаш бошқа барча қолган талабларни қоплашдан олдин навбатдан ташқари тартибда амалга оширилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар, № 8, 471-модда, № 9, 589-модда) **60-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи жумлалар** билан тўлдирилсин:

«Солиқ тўловчига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома билан бир вақтда давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ қарзи белгиланган муддатда қопланмаган тақдирда ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратиладиган миқдордаги солиқ қарзи суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритилади. Ёзув солиқ қарзи тўлиқ қопланганидан ёки ҳисобдан чиқарилганидан кейин гаров реестридан ўчирилади».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 670-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 589-модда) **348-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тўловчи томонидан божхона тўловларини тўлаш бўйича қарзи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган муддат ичида тўланмаган тақдирда, божхона органи ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратиладиган миқдордаги божхона тўловлари бўйича қарзнинг суммасини кўрсатган ҳолда гаров реестрига ёзув киритади. Ёзув божхона тўловлари бўйича қарз тўлиқ қопланганидан ёки ҳисобдан чиқарилганидан кейин гаров реестридан ўчирилади»;

бешинчи қисм олтинчи қисм деб ҳисоблансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **171-модда** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган кўчар мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб арз қилинган бўлса»;

2) **172-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **5¹-банд** билан тўлдирилсин:

«5¹) тўланмаган тўловлар суммасининг ҳисоб-китоби ва ундирув қаратилаётган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулкнинг тавсифи»;

3) **178-модда биринчи қисмининг 6-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6) ундирилиши лозим бўлган пул суммаларининг миқдори ёки ундирув қаратилаётган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулк, унинг тавсифи ва баҳоси».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **135-модданинг 5-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5) ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган мол-мулкка қаратиш тўғрисида талаб билдирилган бўлса»;

2) **136-модда иккинчи қисмининг 5-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5) ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби, ундирув қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулкка қаратилган тақдирда эса, ундирилаётган кўчар мол-мулкнинг тавсифи ва тўланмаган тўловлар суммасининг ҳисоб-китоби»;

3) **145-модданинг 4-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) ундирилиши лозим бўлган пул суммаларининг миқдори ёки ундирув қаратилаётган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулк, унинг тавсифи ва баҳоси».

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг

публикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин юзага келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу Қонун кучга киргунига қадар юзага келган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан мазкур Қонун у кучга кирганидан кейин юзага келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу Қонун кучга кирганидан кейин олти ой ичида тергов ва суриштирув органлари, давлат солиқ хизмати органлари, давлат божхона хизмати органлари ҳамда бошқа давлат органлари, шунингдек ўз талабларининг гаров реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мулкий таъминотига эга бўлган кредиторлар қарздорларнинг мол-мулкига бўлган ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувларни гаров реестрига ёзувни рўйхатдан ўтказиш санаси сифатида олдинги даврда тегишли мулкий таъминотни ташкил этиш санасини кўрсатиш йўли билан киритишга ҳақли.

Кредиторларнинг қарздорлар мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисидаги, кўрсатилган муддат ўтгандан кейин гаров реестрига киритилган талаблари белгиланган тартибда навбатга эга бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 октябрь,
ЎРҚ-572-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

812 «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 22 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Валютани тартибга солиш тўғрисида**»ги 841–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган 556–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 330-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 октябрь,
ЎРҚ–573-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Валютани тартибга солиш тўғрисида
(янги таҳрири)**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади валюта операцияларини ва валюта назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг валютага оид ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

валюта курси — чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси валютасига нисбатан курси;

валютани назорат қилиш — валютани назорат қилувчи органларнинг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилишини таъминлашга қаратилган фаолияти;

валюта операциялари — валюта қимматликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўтиши билан боғлиқ операциялар, валюта қимматликларидан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, жўнатиш ва ўтказиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, жўнатиш ва ўтказиш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси валютасидаги операциялар;

валютани тартибга солиш — валюта қимматликларининг муомалада бўлиш тартибини, валюта қимматликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш қоидаларини белгилаш юзасидан валютани тартибга солиш органининг фаолияти;

валюта қимматликлари — чет эл валютаси, номинали чет эл

валютасида ифодаланган қимматли қоғозлар ва тўлов ҳужжатлари, норезидентлар томонидан чиқарилган, номиналга эга бўлмаган қимматли қоғозлар, соф қўйма олтин;

чет эл валютаси — муомаладаги ҳамда чет давлат (чет давлатлар гуруҳлари) ҳудудидан нақд тўловнинг қонуний воситаси бўлган пул белгилари, шунингдек муомаладан чиқарилаётган ёки муомаладан чиқарилган, аммо алмаштирилиши лозим бўлган пул белгилари, чет давлатларнинг (чет давлатлар гуруҳларининг) пул бирликларида ҳамда халқаро пул бирликларида ёки ҳисоб-китоб бирликларида банк ҳисобварақларида ва омонатларида турган маблағлар;

чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосилавий молия воситалари (валюта деривативлари) — чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича шартномалар бўлиб, ушбу шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш муайян муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг миқдорига ёхуд унинг курси ўзгаришига қараб амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси валютаси (миллий валюта) — Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги (сўм).

5-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

валютани тартибга солиш ҳамда валютани назорат қилиш тизимининг ягоналиги;

валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иқтисодий чораларнинг устуворлиги;

резидентлар ва норезидентларнинг валюта операцияларига давлат органларининг қонунга ҳилоф равишда аралашувига йўл қўйилмаслиги.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган барча юридик шахслар, шунингдек уларнинг Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида жойлашган филиаллари ва ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналари, қароргоҳлари Ўзбекистон Республикасида жойлашган халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси резидентларидир (бундан буён матнда резидентлар деб юритилади).

Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ резидент тушунчаси доирасига кирмайдиган шахслар Ўзбекистон Республикаси норезидентларидир (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади).

2-боб. Валютани тартибга солиш**7-модда. Валютани тартибга солувчи давлат органи**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солувчи давлат органидир (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади).

Марказий банк ўз ваколатлари доирасида:

норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида амал қилиниши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини белгилайди;
валюта биржалари фаолиятини лицензиялайди ва тартибга солади;
банклар учун очиқ валюта позициясининг лимитларини белгилайди;
умум эътироф этилган халқаро амалиётга мувофиқ валюта операцияларининг ва ташқи секторнинг статистикасини тайёрлайди ҳамда эълон қилади;

резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга ошириладиган валюта операцияларини мониторинг қилиш тартибини белгилайди, шу жумладан валютани назорат қилувчи органлар билан биргаликда белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси банклари учун валюта операциялари ҳисоби ва ҳисоботи шаклларини ҳамда уларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;

ташқи сектор статистикасини тузиш учун барча резидентлар ва норезидентлар томонидан тақдим этилиши мажбурий бўлган валюта операцияларининг ҳисоби ва ҳисоботи шаклларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси банкларининг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишга доир фаолиятини тартибга солишни ва назорат қилишни амалга оширади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида валюта операцияларининг барча турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

8-модда. Валюта курси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларда валюта курси чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, шартномавий асосда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси валютасининг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлашда фақат бозор механизмларидан фойдаланилади.

Марказий банк чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилашда чет эл валютасига бўлган талаб ва таклиф асосида валюта курсини аниқлаш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутди.

Марказий банк валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ҳисоботлар ва бошқа ҳисоботлар мақсадлари учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун валюта курсини мунтазам равишда белгилаб боради.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун тарифлар, нархлар, шу жумладан миллий электрон савдо майдончаларидаги шундай тарифлар, нархлар, шунингдек юридик шахсларнинг устав фондлари (устав капиталлари) миқдорларига доир талаблар фақат Ўзбекистон Республикаси валютасида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига йўл қўйилмайди.

Давлат божлари, йиғимлари ва бошқа мажбурий тўловлар фақат Ўзбекистон Республикаси валютасида ундирилади, бундан консуллик йиғимлари мустасно.

10-модда. Резидентларнинг валюта қимматликлари ва улардан фойдаланиши

Резидент жисмоний шахслар валюта операцияларини амалга ошириш мақсадида:

ўз мулкида Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган, ўтказилган ёки жўнатишган, Ўзбекистон Республикасида олинган ёки сотиб олинган валюта қимматликларига эга бўлишга ва улардан ўз ихтиёрига кўра фойдаланишга; носавдо тусидаги халқаро трансчегаравий пул ўтказмаларини амалга оширишга;

валюта қимматликларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига олиб киришга, ўтказишга ва жўнатишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга, ўтказишга ҳамда жўнатишга ҳақли.

Резидент юридик шахслар валюта операцияларини амалга ошириш мақсадида:

ўз мулкида валюта қимматликларига эга бўлишга;

чет эл валютасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига ўтказишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ўтказишга ҳақли.

11-модда. Ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш

Ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш норезидент мажбуриятларининг қуйидагилар орқали тўлиқ ёки қисман бажарилишидир:

норезидентнинг мажбуриятлари бўйича пул маблағлари ёки товар келиб тушиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши);

норезидентнинг мажбуриятини бир турдаги қарши талабларни ҳисобга олиш йўли билан тугатиш;

норезидентнинг томонлар ўртасидаги мавжуд дастлабки мажбуриятини худди ўша шахслар ўртасидаги бошқа предметни ёки бажариш усулини назарда тутувчи ўзга мажбурият билан алмаштириш йўли билан тугатиш;

суғурта тўловларини олиш.

Агар резидент норезидентга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа резидент фойдасига воз кечса, репатриация қилиш тўғрисидаги талабнинг бажарилишини таъминлашга доир тегишли мажбурият талаб қилиш ҳуқуқини қабул қилган резидентга ўтади.

Резидент (норезидент) ташқи савдо операциялари бўйича активларнинг репатриация қилинишини таъминлаши шарт.

Ташқи савдо операциялари бўйича активларни репатриация қилиш муддати норезидентнинг мажбуриятлари юзага келган санадан эътиборан 180 кундан ошиб кетса, мазкур операция капитал ҳаракатининг операцияси сифатида баҳоланади.

12-модда. Резидентларнинг ҳисобварақлари

Резидентлар Ўзбекистон Республикасининг банкларида чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳақли.

Резидент жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси банкларида ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл валютасида ҳисобварақлар ҳамда омонатлар очишга ҳақли.

Резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга, башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси валютасида ёки чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва улардан фойдаланиш мақсадлари назарда тутилган қарорлари ёхуд Ўзбекистон Республикасининг шундай халқаро шартномалари мавжуд бўлса, йўл қўйилади.

Резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ҳисобварақлар очганидан кейин рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ органларини ҳамда Марказий банкни ҳисобварақлар очилганлиги (ёпилганлиги) тўғрисида ва ҳисобварақларнинг реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек ушбу ҳисобварақлардаги қолдиқлар ва айланмалар тўғрисида Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ҳар чоракда, ҳисобот чораги тугаганидан кейин бир ойдан кечиктирмасдан хабардор қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг хўжалик фаолиятини ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқаридаги ваколатхоналари томонидан Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ҳамда ушбу ҳисобварақлардан фойдаланишга уларнинг хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Уларнинг хорижда бўлиши ёки фаолият

кўрсатиши тугагач, ҳисобварақлар ёпилиши лозим ва ҳисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.

Резидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банклардаги ўз ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ўз ҳисобварақларига чет эл валютасини чекловларсиз ўтказиш ҳуқуқига эга.

13-модда. Норезидентларнинг ҳисобварақлари

Норезидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларида чет эл валютасида ва Ўзбекистон Республикаси валютасида банк ҳисобварақларини очишга ва улардан фойдаланишга ҳақли.

Фаолиятни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошириш норезидент юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларини очиши ва улардан фойдаланиши учун мажбурий талабдир.

3-боб. Валюта операциялари

14-модда. Валюта операцияларининг турлари

Валюта операциялари ички ва халқаро (трансчегаравий) операцияларга бўлинади.

Ички валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган операциялардир.

Халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ва капитал ҳаракати (капитал ўтказмалари) операцияларига бўлинади.

15-модда. Жорий халқаро операциялар

Жорий халқаро операциялар жумласига қуйидагилар киради:

ташқи савдони, бошқа жорий фаолиятни юритиш, шу жумладан хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) муносабати билан тўланиши лозим бўлган барча тўловлар;

фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар, лизинг бўйича фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек бошқа инвестициялардан олинган соф даромад шаклида тўланиши лозим бўлган тўловлар;

кредитни (қарзни) тўлаш даврида қарзнинг олинган, шартномада кўрсатилган тўлаш даврлари сонига нисбати сифатида ҳисоб-китоб қилинган қисмининг икки бараваридан ортиқ бўлмаган миқдордаги суммани тўлаш; носавдо тусидаги пул ўтказмалари.

Носавдо тусидаги пул ўтказмалари жумласига қуйидагилар киради:

жисмоний шахслар ўртасида юз миллион сўм эквивалентигача бўлган миқдордаги пул ўтказмалари;

шахсий эҳтиёжлар учун товарларга (хизматларга, ишларга) ҳақ тўлаш; иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш;

ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларни тўлаш;

таълим, даволаниш ва туризм учун ҳақ тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш;

нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар, шунингдек ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;

суднинг, арбитражнинг, шунингдек тергов органларининг ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорлари асосида пул маблағларини тўлаш;

халқаро конгрессларда, симпозиумларда, конференцияларда, спорт тадбирларида ва маданий тадбирларда, шунингдек бошқа халқаро учрашувларда, кўргазмаларда ва ярмаркаларда иштирок этиш учун тўловлар, бундан инвестицияга оид ва моддий харажатлар мустасно;

вафот этганни дафн қилиш билан боғлиқ тўловлар;

муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномаларининг мажбуриятлари бўйича ҳақ тўлаш;

халқаро нотижорат ташкилотларга бадаллар.

Жорий халқаро операциялар ҳамда улар билан боғлиқ ҳолда чет эл валютасини резидентлар ва норезидентлар томонидан сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади.

16-модда. Капитал ҳаракати операциялари

Капитал ҳаракати операциялари жумласига жорий халқаро операциялар бўлмаган барча халқаро (трансчегаравий) валюта операциялари, шу жумладан қуйидагилар киради:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш, жумладан резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш;

кредитлар (қарзлар) олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш;

кўчмас мол-мулкни сотиб олиш ва сотиш;

чет давлатлардан маблағларни жалб этиш ҳамда уларни чет давлатлардаги ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқни тўлиқ олиш ёки сотиш.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва бошқа ваколатхоналарининг эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк объектларини олиш ва қуриш бўйича капитал ҳаракати операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиш, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларни норезидентлар томонидан сотиб олиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Марказий банк билан биргаликда белгиланади.

17-модда. Резидентлар ўртасидаги валюта операциялари

Резидентлар ўртасидаги валюта операцияларига қўйидагилар амалга оширилади:

божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек халқаро ташқи шифтларда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш чоғидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

воситачилар (вакиллар) томонидан норезидентлар билан товарларни топшириш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборот ва интеллектуал фаолият натижаларини, уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бериш бўйича шартномалар тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар, шу жумладан комитентларга (ишонч билдирувчиларга) пул суммаларини (бошқа мол-мулкни) қайтаришга доир операциялар;

тузилган шартномалар асосида транспорт-экспедиторлик хизматларини реализация қилишдан экспедиторлик компанияларининг ҳисобварағига хориждан келиб тушаётган чет эл валютасидаги маблағларни ҳисоб-китоб қилишни ва ўтказишни назарда тутувчи операциялар;

жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига хизмат сафарлари амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларини тўлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш бўйича операциялар, шунингдек хизмат сафарлари муносабати билан берилган, сарфланмай қолган бўнақни қайтаришга доир операциялар;

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарига, консуллик муассасаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарига ҳисоб-китобларни ва ўтказмаларни бажаришни назарда тутувчи операциялар;

резидент жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақлардан бошқа резидент жисмоний шахслар фойдасига уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига носавдо операциялар бўйича ўтказмалар;

транспорт ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахсларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа бўлинмалари ўртасида йўловчилар ташқи шифтга оид шартномалар бўйича ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

агар охириги харидор ёки сотувчи норезидент бўлса, воситачилар (вакиллар) томонидан мажбуриятлар клиринг натижалари бўйича бажарили-

ши лозим бўлган шартномаларни тузиш ва бажариш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар;

мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида валюта қимматликларидан фойдаланиш, шунингдек уларни ундириш билан боғлиқ операциялар;

юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) валюта қимматликларини киритиш ва қайтариш билан боғлиқ операциялар;

банк хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ операциялар;

хайрия фаолияти билан боғлиқ операциялар;

мерос ҳуқуқи бўйича валюта қимматликларини олиш билан боғлиқ операциялар.

Резидентлар ўртасида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган валюта операциялари тақиқланади.

18-модда. Норезидентлар ўртасидаги валюта операциялари

Норезидентлар жорий халқаро операциялар билан боғлиқ ўтказмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги банклардаги ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси банкларидаги банк ҳисобварақларига ёки Ўзбекистон Республикаси банкларидаги банк ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги банк ҳисобварақларига ўзаро амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Норезидент жисмоний шахслар носавдо тусидаги ўтказмаларни Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларидан бошқа норезидент жисмоний шахслар фойдасига уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига амалга ошириши мумкин.

Норезидентлар Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларига қимматли қоғозлар билан боғлиқ валюта операцияларини ўзаро амалга ошириши мумкин.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ҳамда сотиш фақат Ўзбекистон Республикаси банклари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида банклараро валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш фақат Ўзбекистон Республикаси банклари ҳамда Марказий банк томонидан амалга оширилади.

20-модда. Валюта операцияларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси банкларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикаси банклари Ўзбекистон Республикаси банклари-

да ҳамда хорижий банкларда вакиллик ҳисобварақларига ва бошқа ҳисобварақларга эга бўлишга, чет эл валютасини, шу жумладан валюта деривативларини бевосита ўзлари ўртасида, ўз мижозлари билан, шунингдек валюта биржаси орқали ҳамда халқаро бозорларда сотиш ва сотиб олиш операцияларини ўтказишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси банклари валюта операцияларини, башарти валюта операцияларини бажариш учун банклар талаб этадиган тегишли ҳужжатлар резидентлар ва норезидентлар томонидан тақдим этилса, амалга ошириши шарт.

21-модда. Валюта операцияларини ўтказишга доир чекловлар

Марказий банк валюта операцияларини ўтказишга нисбатан:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида;

тўлов балансининг барқарорлигига таҳдид мавжуд бўлган ҳолларда Халқаро валюта жамғармаси битимининг моддалари доирасидаги мажбуриятларга риоя қилган ҳолда чекловлар жорий этиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизликка таҳдид юзага келганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Марказий банк билан келишган ҳолда валюта операцияларини ўтказишга доир чекловлар жорий этиши мумкин.

Чекловларнинг амал қилиш муддати улар жорий қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ошиши мумкин эмас. Чекловлар белгиланган муддат ўтгач, бекор қилинган деб ҳисобланади. Чекловларнинг амал қилиши муддатидан аввал тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши мумкин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш чекловларсиз амалга оширилади.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш юз миллион сўм эквивалентдан ортиқ бўлмаган суммада амалга оширилади. Нақд валютани белгиланган эквивалентдан ортиқ суммада олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш тақиқланади, бундан Ўзбекистон Республикаси банклари мустасно.

4-боб. Валюта назорати**23-модда. Валютани назорат қилувчи органлар**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

24-модда. Валютани назорат қилувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Валютани назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан ўтказиладиган валюта операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлигига тааллуқли қисми бўйича назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга ошириши шарт.

Валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида:

валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига резидентлар ва норезидентлар томонидан риоя этилиши юзасидан текширувларни амалга оширишга;

резидентлар ва норезидентларнинг валюта операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботларининг тўлиқлиги ҳамда тўғрилигини текширишни белгиланган тартибда амалга оширишга;

валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни ва ахборотни сўраб олишга;

валюта операциялари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш тартибини белгилашга;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида талабномалар тақдим этишга ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги барча резидентлар ва норезидентлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бошқа чораларни кўришга ҳақлидир.

Валютани назорат қилувчи органлар фақат ўтказиладиган валюта операциясига бевосита тааллуқли бўлган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Валютани назорат қилувчи органлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида ўзларига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаши шарт.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан ўтказиладиган валюта операциялари устидан валюта назоратини амалга оширади.

25-модда. Валютани назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказиш чоғида резидентлар ҳамда норезидентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга оширувчи резидентлар ва норезидентлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

валютани назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширув материаллари билан танишиш;

валютани назорат қилувчи органларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш;

валютани назорат қилувчи органлар ва улар мансабдор шахсларининг фэйриқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрни қопланиши.

Валюта операцияларини амалга оширувчи резидентлар ва норезидентлар:

валютани назорат қилувчи органларга сўралаётган валюта операцияларини амалга ошириш тўғрисидаги барча ҳужжатларни ва ахборотни тақдим этиши;

валютани назорат қилувчи органларга текширувлар ўтказиш жараёнида, шунингдек уларнинг натижалари бўйича тушунтиришлар бериши;

валюта операцияларининг ҳисобини юритиши ва ҳисоботларни тузиши, шунингдек уларнинг сақланишини таъминлаши;

валютани назорат қилувчи органларнинг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга доир талабларини (кўрсатмаларини, тақдимномаларини) бажариши;

валютани назорат қилувчи органларни текширувларни амалга ошираётган чоғда уларнинг ўз биноларига киришини, ҳужжатларидан ва автоматлаштирилган маълумотлар базаларидан фойдалана олишини таъминлаши шарт.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

26-модда. Валюта операциялари бўйича ҳисобдорлик

Валюта операциялари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш тартиби, уларнинг турлари, тақдим этилиш шакли ва муддатлари Марказий банк томонидан валютани назорат қилувчи бошқа органлар билан биргаликда уларнинг ваколатлари доирасида белгиланади.

Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш юзасидан ҳисоботлар тақдим этмайди.

27-модда. Низоларни ҳал этиш

Валюта операцияларини ва валюта назоратини амалга ошириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28-модда. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

813 Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш, шунингдек гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир белгиланган талабларга риоя этилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гўдак — бир ёшгача бўлган бола;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотлари — гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар организмнинг физиологик хусусиятларига ҳамда эҳтиёжларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари;

кичик ёшдаги болалар — бир ёшдан уч ёшгача бўлган болалар;

она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар — гўдаклар ва ки-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 октябрда эълон қилинган.

чик ёшдаги болалар учун она сути ўрнини босадиган озиқ-овқат маҳсулотлари;

сунъий озиқлантириш — гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар билан озиқлантириш;

қўшимча овқат маҳсулотлари — бола ёшининг физиологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилган, тавсия этилган муддатларда она сутига, она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларга қўшимча сифатида гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар рационига киритиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари.

2-боб. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

4-модда. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

хомиладор аёллар, эмизикли оналар, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг она сути билан озиқлантиришга бўлган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш; гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат назорати.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини (қабул

қилинишини) ва амалга оширилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди;

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги асосий йўналишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига доир фаолиятини мувофиқлаштиради.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқишда давлат бошқаруви органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўмаклашади;

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилишга доир санитария қоидалари, нормаларини ва гигиена нормативларини белгилайди;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига оид ҳамда миқдорий хусусиятларига, уларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишга доир талабларни белгилашда иштирок этади;

она сути билан озиқлантиришнинг, шунингдек оналар, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар оқилона овқатланишининг фойдаси ҳамда афзаллиги тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боради;

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилишга ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига доир талабларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб боради ва уни баҳолайди.

7-модда. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат назорати

Ушбу Қонун талабларига рия этилиши, шунингдек гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария ҳолати, сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талабларга рия этилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

3-боб. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилишга доир чора-тадбирлар ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар

8-модда. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш

Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш:

она сути билан озиқлантириш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

эмизикли оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўриш, шунингдек улар учун қулай меҳнат ва ўқиш шароитларини яратиш;

она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан эмизикли оналарга ва кичик ёшдаги болаларга кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартибини такомиллаштириш орқали амалга оширилади.

Она сути билан озиқлантиришни тарғиб қилиш соғлиқни сақлаш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда ахборот-тушунтириш тадбирларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг, репродуктив ёшдаги аёлларга, ҳомиладор аёлларга, эмизикли оналарга тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларнинг тиббиёт ходимлари ушбу аёллар ва оналарга ҳамда уларнинг оила аъзоларига:

гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг ёши ҳамда физиологик эҳтиёжларига мувофиқ уларни овқатлантириш қоидаларига рия этишга доир;

ҳомиладор аёлларнинг, эмизикли оналарнинг тўғри овқатланишига ва уларни она сути билан озиқлантиришга тайёрлашга доир;

она сути билан озиқлантиришнинг фойдаси, афзаллиги ҳамда унинг она ва бола соғлиғига таъсири тўғрисида;

гўдакни олти ойгача овқатлантиришда бошқа таомдан ёки ичимликдан, шу жумладан сувдан фойдаланмасдан фақат она сути билан озиқлантириш, шунингдек она сути билан озиқлантиришни икки ва ундан катта ёшгача давом эттириш зарурлиги ҳақида;

олти ойликдан бошлаб болалар учун қўшимча озиқ-овқатнинг ва қўшимча овқат маҳсулотларининг муҳимлиги тўғрисида;

гўдакларнинг овқатланиш рационаига она сутига қўшимча овқат маҳсулотларини барвақт ва кечиктириб киритишнинг, она сути билан озиқлантириш давомийлигини қисқартиришнинг оқибатлари ҳақида;

нооқилона овқатлантиришнинг, айниқса сунъий озиқлантиришнинг болалар соғлиғига салбий таъсири тўғрисида ахборот беради.

Ёзма, аудио ёки визуал шаклда тақдим этилган ҳамда аҳоли ўртасида, айниқса ҳомиладор аёллар, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг оналари ўртасида тарқатиш учун мўлжалланган, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланишига доир ахборот материаллари ҳамда маърифий материаллар давлат тилида ва зарурат бўлган тақдирда бошқа тилларда ёзилган, шунингдек лўнда, тўлиқ ҳамда ишончли ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак.

9-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сути билан озиқлантириш учун шарт-шароитлар яратиш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сути билан озиқлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат муассасалари ҳамда ташкилотларида, шунингдек автовокзаллар, аэропортлар ва темир йўл вокзалларида, маданий-қўнгилочар муассасаларда махсус ажратилган жойлар ташкил этилиши керак.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сути билан озиқлантириш учун махсус ажратилган жойлар бошқа ташкилотларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

10-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламаси

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламаси қуйидаги талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни реклама қилишга йўл қўйилмайди;

она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар тўғрисидаги ҳар қандай ахборот она сутининг, шунингдек гўдакни олти ойгача озиқлантиришда бошқа таомдан ёки ичимликдан, шу жумладан сувдан фойдаланмасдан фақат она сути билан озиқлантиришнинг фойдаси ва афзаллиги тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олган бўлиши керак;

бола ҳаётининг биринчи йили мобайнида унинг рационаига киритилган қўшимча овқат маҳсулотлари рекламасида бундай маҳсулотлар қўлланилишининг ёшга доир чекловлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳати зарурлиги ҳақидаги огоҳлантириш бўлиши керак.

11-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг, етказиб берувчиларнинг, рекламани тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг фаолиятини чеклаш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар, шунингдек рекламани тайёрловчилар ва тарқатувчилар фаолиятига оид чекловлар қўйидагиларга тааллуқли тақиқлардан иборатдир:

гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланишига доир илмий тадқиқотларни молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишмаган ҳолда амалга оширишга;

тиббиёт ходимларига гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиши учун она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар билан боғлиқ бўлган реклама тусидаги материаллар тақдим этишга, бундан илмий ахборот мустасно;

она сути ўрнини босувчи маҳсулотларнинг номидан фойдаланган ҳолда товарларни (тиббиёт халатларини, футболкаларни, бош кийимларини, канцелярия ашёларини ва бошқаларни) текин асосда тарқатишга;

она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар тўғрисидаги реклама маҳсулотини оналар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида тарқатишга;

хомиладор аёлларга, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг оналарига ҳамда уларнинг оила аъзоларига она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни қўллашга ёки идишчалардан озиқлантиришга кўмаклашиши мумкин бўлган маҳсулотларни, шунингдек буюмлар ёки ашёлар тарзидаги бирор-бир совғани беришга (бундан она сути билан озиқлантиришга тиббий жиҳатдан мутлақ монеликлар мавжуд бўлган ҳоллар мустасно);

тиббиёт муассасаларига (она сути билан озиқлантиришга мутлақ қарши тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган тақдирда она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни берувчи болалар уйлари ва даволаш-профилактика муассасаларидан ташқари) она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни, бундан болаларни махсус даволаш бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари мустасно, беришга.

12-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун ишлаб чиқариладиган ҳамда олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари сертификатлаштирилиши ҳамда сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

13-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг ўровига (идишига) ҳамда уларни тамғалашга доир талаблар

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган ўров материалларининг барча турлари (идишлар) қўлланилишига она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдакларни ва

кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат назорати органлари томонидан рухсат берилган бўлиши керак. Ўров (идиш) гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш, сақлаш ҳамда яроқлилиқ (бут сақланиши) муддати ичида реализация қилиш чоғида уларнинг ҳар қандай тарзда ифлосланиши ва бузилиши имкониятини истисно этиши, бут сақланишини таъминлаши керак.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг тамғасида (ёрлиғида) қуйидагилар бўлиши керак:

ишлаб чиқарувчининг, ўровчи-жойловчининг, экспорт қилувчининг, импорт қилувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва мамлакат номи;

маҳсулотнинг номи;

маҳсулот номида унинг гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар овқатланиши учун мўлжалланганлиги, асосий ингредиентга (таркибий қисмга) мувофиқлигининг ифодаси ҳамда қуюқ-суюқлик даражаси тўғрисидаги ахборот; соф оғирлиги ёки ҳажми тўғрисидаги ахборот;

маҳсулотнинг таркиби;

тайёрлаш усули;

ишлаб чиқарувчининг товар белгиси (мавжуд бўлган тақдирда);

озиқлик қиммати, витаминлар ва минерал моддаларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

истеъмол идиши очилгунига қадар ва очилганидан кейинги сақлаш шартлари;

яроқлилиқ муддати ёки сақлашнинг турли ҳарорат шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, маҳсулотдан қайси санагача фойдаланиш керак бўлса, ўша сана;

сертификатлаштириш тўғрисидаги ахборот;

маҳсулот қайси норматив ҳужжатга мувофиқ тайёрланган бўлса ва идентификация қилиниши мумкин бўлса, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ўша норматив ҳужжатга ишора;

маҳсулот ишлаб чиқарилган ва ўраб-жойланган сана;

белгиланган мақсади ва қўлланилиш шартлари;

товарнинг штрих-коди (мавжуд бўлган тақдирда);

маҳсулотни шифокорнинг тавсияси бўйича қўллаш тўғрисидаги ахборот; она сути билан озиқлантиришнинг фойдаси ва афзаллиги, шунингдек сунъий озиқлантириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин шифокорнинг дастлабки маслаҳатини олиш зарурлиги ҳақидаги огоҳлантирувчи ёзувлар. Бунда ёзувнинг шакли осон ўқиладиган бўлиши керак;

болалар аралашмасини тайёрлашга доир йўриқномада озиқлантириш жадвали тўғрисидаги кўрсатма.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг тамғаси (ёрлиғи) қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

лўнда, тўлиқ ва ишончли ахборотга эга бўлиши;

давлат тилидаги ва зарур бўлган тақдирда бошқа тиллардаги ёзувларни ўз ичига олиши. Агар матн истеъмолчи тушунмайдиган тилда баён этилган бўлса, ёрликнинг асл нусхаси алмаштирилмаган ҳолда, давлат тилидаги қўшимча ёрликдан фойдаланилади;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун аввал тайёрланган, болани олдинги озиқлантиришдан қолган озиқ-овқат маҳсулотларидан такроран фойдаланишга ҳамда уларни сақлашга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги кўрсатмаларни ўз ичига олиши;

боланинг маҳсулотни истеъмол қилишига рухсат этиладиган ёшини кўрсатиши.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган шифобахш озиқ-овқат маҳсулотларининг тамғасида (ёрлиғида) алоҳида парҳез эҳтиёжлари, функционал ҳолатлар ва (ёки), агар мавжуд бўлса, мазкур маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этиладиган касалликлар ҳам кўрсатилиши зарур.

Она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларнинг тамғаларида (ёрлиқларида) ва озиқ-овқат формулаларининг тавсифларида:

мазкур маҳсулотларнинг она сути билан тенг қимматлилиги ва (ёки) ундан кўра фойдалилиги ҳамда афзаллиги тўғрисидаги тасаввурни юзага келтирувчи иборалардан фойдаланиш ёхуд бу маҳсулотларни она сути билан тенглаштириш;

мазмунни она сути билан озиқлантиришни рад этишга ундаши мумкин бўлган матндан фойдаланиш;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг фотосуратларини, шу жумладан сўргичли идишчаларнинг суратларини, агар ушбу тасвирлар маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни тайёрлаш усулларини бевосита ифодаламаса, жойлаштириш тақиқланади.

14-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилиш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилиш санитария нормаларига, қоидаларига ҳамда гигиена нормативларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Мазкур маҳсулотларни тегишли сақлаш шароитларига эга бўлмаган ҳамда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ бўлмаган жойларда реализация қилишга йўл қўйилмайди.

15-модда. Идишчаларни ва сўргичларни тамғалашга доир талаблар

Озиқлантириш учун мўлжалланган идишчаларнинг ва сўргичларнинг тамғасида (ёрлиғида) қўйидагилар бўлиши керак:

ишлаб чиқарувчининг, ўровчи-жойловчининг, экспорт қилувчининг, импорт қилувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва мамлакат номи;

товарнинг номи;
ишлаб чиқарувчининг товар белгиси (мавжуд бўлган тақдирда);
маҳсулотнинг таркиби;
сақлаш шартлари;
яроқлилиқ муддати;
сертификатлаштириш тўғрисидаги ахборот;
ишлаб чиқарилган ва ўраб-жойланган сана;
белгиланган мақсади ва қўлланилиш шартлари;
маҳсулот техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қайси норматив ҳужжатга мувофиқ ишлаб чиқарилган бўлса ва идентификация қилиниши мумкин бўлса, идишчалар ва сўрғичлар учун ўша норматив ҳужжатга ишора;

идишча, сўрғич қайси хом ашёдан ишлаб чиқарилган бўлса, ўша хом ашё тўғрисидаги ахборот;

ювиш ва стерилизация қилишга тааллуқли бўлган, сўзлар орқали ифодаланган ҳамда жадвал шаклидаги йўриқнома.

Идишчалар ва сўрғичларнинг тамғаси (ёрлиғи) қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

лўнда, тўлиқ ва ишончли ахборотга эга бўлиши;

давлат тилидаги ва зарур бўлган тақдирда бошқа тиллардаги ёзувларни ўз ичига олиши. Агар матн истеъмолчи тушунмайдиган тилда баён этилган бўлса, ёрлиқнинг асл нусхаси алмаштирилмаган ҳолда, давлат тилидаги қўшимча ёрлиқдан фойдаланилади. Бунда ёзув шакли осон ўқиладиган бўлиши керак.

16-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган, санитария қоидалари ҳамда нормаларига мувофиқ бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва йўқ қилиш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган, қайта ишланган маҳсулотдан олинган хом ашёни қўллашга йўл қўйилмайди.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган, санитария қоидалари ҳамда нормаларига мувофиқ бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, йўқ қилиш ёки улардан озиқ-овқат эҳтиёжларидан бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш усуллари ва шартлари уларнинг эгалари томонидан назорат қилувчи давлат органлари билан келишилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

17-модда. Низоларни ҳал этиш

Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18-модда. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

19-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

20-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 октябрь,
ЎРҚ-574-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

814 Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган бекиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланилиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 октябрда эълон қилинган.

маърифат маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санасини «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ходимларининг умумий чекланган сони 9 та штат бирлигидан иборат Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилсин ва унинг тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар Давлат тилини ривожлантириш департаментининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, «Ўзбек тили байрами куни»ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбеккона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;

давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) уч ой муддатда:

«Ўзбек тили байрами куни»ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини;

«Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан такомиллаштирган ҳолда унинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) икки ой муддатда хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга кири-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилсин;

в) 2020 йил 1 июнга қадар қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган 2020 — 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳаларини киритсин:

мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш;

давлат тили қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 октябрь,
ПФ-5850-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**815 Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлан-
тиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжаллан-
ган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида***

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харита»си (кейинги ўринларда — «Йўл харита»си) 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол раціонини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 октябрда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитали оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори қўшилган қиймат яратишга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш ва босқичма-босқич қайта тақсимлаш;

қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билим ва маълумотларни тарқатишнинг самарали шаклларини қўллашни назарда тутувчи илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ жойларини мувозанатли ва барқарор тараққий эттиришга қўмаклашишни назарда тутувчи қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш;

замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишнинг ишончли услубларини жорий этишни назарда тутувчи тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини яратиш.

3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 3-иловага* мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Н. Арипов):

Стратегиянинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин ҳамда белгиланган индикаторларга эришиш устидан доимий мониторинг олиб борсин;

бир ой муддатда Стратегиянинг ҳар бир асосий йўналиши бўйича малакали мутахассислардан, шу жумладан хорижий экспертлардан иборат таркибда доимий ишловчи ишчи гуруҳларини, уларга халқаро молия ташкилот-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар грантлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаган ҳолда шакллантирсин;

Стратегия ва «Йўл харитаси»ни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари сифатли ва ўз муддатида ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

ҳар йили 1 декабрга қадар жорий йил учун белгиланган вазифаларнинг бажарилишини чуқур таҳлил этган ҳолда Стратегияни амалга ошириш юзасидан келгуси йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини сифатли ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини ташкил этсин;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Стратегияни амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар ҳақида ахборот тақдим этиб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг тўлиқ ва ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш мақсадида вазирлик тузилмасида қўшимча 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин ҳамда хорижий экспертлар жалб этилишини таъминласин.

Хорижий экспертларни жалб этиш вазирликнинг бюджетдан ташқари ҳамда халқаро молия институтларининг грант ва техник кўмак маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ташкил этилганлиги ҳамда унга сув хўжалиги соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги мавжуд инвестиция лойиҳалари, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, шунингдек, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар сақлаб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибига ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари параметрларида қишлоқ хўжалиги харажатлари таркибини диверсификация қилишнинг мақсадли йўналишлари 4-иловага* мувофиқ белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Стратегияни ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини ҳар чоракда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 октябрь,
ПФ-5853-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги
ПФ-5853-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини
ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган
СТРАТЕГИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини истиқболда барқарор ривожлантириш соҳада давлат сиёсатини янгича ёндашувлар асосида юритишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур Стратегиянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотлар

ни янада чуқурлаштиришда давлат сиёсатини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;

қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш;

давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш;

тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш;

қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш;

қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш;

тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мазкур Стратегиянинг 1- ва 2-иловаларида белгиланган асосий кўрсаткичлар ва индикаторларга эришишга асосланади.

Стратегияни амалга ошириш йўналишлари бўйича ҳар йили 1 декабр-га қадар келгуси йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

2-боб. Стратегиянинг устувор йўналишлари

I. Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш

Озиқ-овқат хавфсизлиги кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омилларга боғлиқ бўлиб, мамлакат ривожланишининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг тўрт таркибий қисмлари (озиқ-овқатнинг мавжудлиги, уни харид қилиш қобилияти, ундан фойдаланиш ва унинг барқарорлиги) бўйича озиқ-овқат хавфсизлигининг давлат сиёсати ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Аҳоли сонининг ўсиши, ер, сув ва энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиши, шунингдек, иқлимнинг кескин ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омиллардир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор чоралар амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон дунёда эгаллаган ўрнини мустаҳкамлашга эришди ва босқичма-босқич глобал рейтингларда ўз мавқеини яхшилаб олди. Ўзбекистон Республикаси 2018 йилда Глобал очлик индекси бўйича 119 мамлакат орасида 52-ўринни эгаллаб, 12,1 кўрсаткич билан «мўътадил» даражага эришди.

Бирок, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти барқарорлигига эришиш, кам даромадли оилаларнинг харид қобилиятини ошириш, маҳсулотлар нархи ва миқдори кескин

ўзгаришининг олдини олиш ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади — республиканинг барча аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишдан иборат.

Устувор йўналиш аҳолини барқарор нархлардаги хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ), шу жумладан БМТнинг 2-БРМ «Очликка барҳам бериш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолни яхшилаш ва барқарор қишлоқ хўжалигини тарғиб қилиш»да белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини озиқ-овқат билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини ижтимоий объектлар билан интеграциялаш;

бошоқли дон етиштиришда давлат интервенцион харидлар тизимини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини давлат томонидан тартибга солиш механизмидан босқичма-босқич воз кечиш ҳамда бошоқли донни квота асосида бозор нархларида сотиб олиш механизминини жорий этиш;

соғлом истеъмол маданиятини тарғиб қилиш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқиш;

халқаро даражада тан олинган услубиятлар ва илғор тажрибалар асосида озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш тизимини жорий қилиш ҳамда доимий мониторинг қилиш;

ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга доир тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш;

чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб чиқаришни барқарор интенсивлаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш.

II. Қўлай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш

Қўшилган қиймат занжирининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Маҳсулотларни даладан якуний истеъмолчигача етказиб бериш, яъни йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва сертификатлаш харажатларининг юқорилиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан олинadиган фойдани камайтиради.

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатининг паст даражада ривожланганлиги юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имконини чекламоқда.

Инфратузилмани ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш мақ-

садида тараққий этган молиявий бозорлар, қулай ишбилармонлик муҳити, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш-сотиш занжирларини ривожлантиришга қаратилган чораларни кўриш талаб этилади.

Экспорт қилинадиган мева-сабзавотларнинг асосий қисмини ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликларида маҳсулотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш имкониятлари чекланганлиги катта йўқотишларга олиб келмоқда. Шунингдек, нархларнинг мавсумий кескин ўзгариши ва бозор шароитларининг барқарор эмаслиги ҳам улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан турли молиявий манбалар, шу жумладан халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобидан замонавий омборхоналар ва қайта ишлаш ускуналари учун инвестициялар йўналтирилмоқда. Шунга қарамасдан улар қайта ишлаш корхоналари ва экспорт қилувчи ташкилотлардан ажралиб қолмоқда.

Кичик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиришнинг самарали механизмлари тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли, уларнинг фаолияти тарқоқлигича қолмоқда. Бу эса юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишга тўсқинлик қилмоқда ҳамда қўшилган қиймат занжирларига бирлашиш имконини чекламоқда.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар (Европа Иттифоқи, АҚШ, Канада) бозорларида кооперативларнинг улуши 40 фоиздан ошади, Ўзбекистонда эса бу йўналиш эндигина ривожланмоқда.

Халқаро стандартлар ва сифат талабларига жавоб берадиган лабораториялар, улгуржи бозорлар ва логистика марказлари, шунингдек, божхона ва чегара масканларида мева-сабзавот маҳсулотларини фитосанитария назоратидан ўтказиш учун жиҳозлар етишмовчилиги кузатилмоқда.

Бу ўз навбатида етиштириладиган ва сотишга чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини ошириш, қўшилган қийматни кўпайтириш, экспорт географияси ва маҳсулот турларининг диверсификация қилинишига тўсқинлик қилмоқда.

Санитар ва фитосанитар назорат миллий ҳуқуқий базасини Жаҳон савдо ташкилоти талаблари ва мақсадли ташқи бозорлар стандартлари билан мувофиқлигини таъминлаш орқали қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш зарур.

Бундан ташқари, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан 70 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари билан тайёрлов, қайта ишлаш ва экспортёр корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари етарли ривожланмаган.

Аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, халқаро стандартлар асосида маҳсулотларни сертификатлаш тизимини кенг жорий этиш ва кооперация муносабатларини ривожлантириш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликлари мутахассислари учун қисқа

муддатли, шу жумладан, масофавий тренинглар ташкил этиш, ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш;

миллий карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чоралари бўйича келишувни талабларига мослаштириш;

хайвонлар соғлиғини сақлаш ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назорат қилишнинг миллий тизимини Бутунжаҳон хайвонлар соғлиғини сақлаш ташкилоти (ХЭБ) стандартларига мослаштириш;

илғор халқаро тажрибалар асосида қишлоқ хўжалигида қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича Инновацион таълим марказини ташкил этиш;

халқаро бозорларда тан олинган сифат стандартларини (Global G.A.P, Organic, НАССР ва бошқалар) жорий этишга кўмаклашиш механизмларини ишлаб чиқиш;

етақчи аграр корхоналар билан қайта алоқа механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

янги мақсадли экспорт бозорларида музокаралар олиб бориш ва савдо келишувларини амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

маҳаллий ва мақсадли халқаро бозорларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари маркетинги ва ташиш харажатларини камайтириш;

маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини мақсадли экспорт бозорларига чиқариш учун «Made in Uzbekistan» брендидан фойдаланишни кенгайтириш имкониятларини баҳолаш;

миллий сифат тизимини такомиллаштириш бўйича режа ишлаб чиқиш;

экспорт бозорлари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш, экспортга тайёргарлик, савдо режими ва савдони молиялаштириш бўйича маслаҳат хизматларини ривожлантириш;

мақсадли бозорлар тўғрисида маълумотлар тўплаш жараёнида, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини илгари суришда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг ролини ошириш;

ўсимлик навлари муаллифлари ҳуқуқларини (шу жумладан, патент синовларини) муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

агрологистика марказлари негизида ягона савдо тизимини (аукцион ва биржа савдолари асосида) жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази томонидан кўрсатиладиган хизматларни такомиллаштириш, янги экин турларини сақлаш мақсадида Миллий генлар банкини яратиш;

қишлоқ хўжалигини стандартлаштириш маркази томонидан кўрсатиладиган хизматлар турларини такомиллаштириш;

пахта хом ашёси етиштириш ва пахта-тўқимачилик соҳасида бозор механизмларини кенг жорий этиш;

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенцияга (IPPC) қўшилиш;

деҳқон хўжаликлари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантириш мақ-

садида ер участкаларини имтиёзли шартларда ажратиш тартибини ишлаб чиқиш;

халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилган ҳолда генетик модификацияланган экинлар навларини синаш учун махсус лаборатория ташкил қилиш;

савдо инфратузилмаси ва агрологистика марказлари, озиқ-овқат хавфсизлиги лабораториялари, санитария ва фитосанитария тизими, зарур ускуналар ва инвентарлар учун инвестициялар жалб қилишни янада рағбатлантириш;

ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция ва бошқа халқаро стандартларга мувофиқ пестицидларни ва пестицидларнинг рухсат этилган максимал миқдорларини (MRL) рўйхатга олиш, экспорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчиларни ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

уруғчилик ва мева-сабзавотчилик соҳаси илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини модернизация қилишга халқаро молия институтлари грантлари ҳамда техник кўмак маблағларини жалб қилиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ўртасида кооперацияни рағбатлантириш ҳамда уларни ички ва ташқи бозорларда замонавий ишлаб чиқариш-сотиш занжирига интеграция қилиш чораларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бу соҳада хизмат кўрсатишни мувофиқлаштириш, тезкор қарорлар қабул қилиш ва тармоқ сиёсатини шакллантириш бўйича музокараларда иштирок этувчи бирлашмаларни (кооперативлар ва бошқалар) ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари, фермер ва деҳқон хўжаликларининг қайта ишлаш саноати корхоналари (шу жумладан кластерлар) билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

аграр соҳада кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва фаолиятини диверсификация қилишни қўллаб-қувватлаш учун тажриба — синов тариқасида инвестициявий дастурларни амалга ошириш;

мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларини баҳолаш натижаларига кўра (дастлаб кўп йиллик маълумотлар ва бозор тенденциялари таҳлили асосида экспорт қилинувчи асосий 10-15 та маҳсулот тури бўйича) экспортни ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифатини назорат қилиш тизимини модернизация қилиш.

III. Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибдорликни ошириш

Фермерлар учун ресурслар етказиб бериш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишда давлатнинг бевосита иштирок этиши соҳага хусусий инвестициялар жалб қилинишини чеклаб қўймоқда.

Агробизнес субъектларига маслаҳат хизматлари кўрсатиш тизимининг

ривожланмаганлиги, бизнесни бошқариш кўникмаларининг етишмаслиги, агросаноат мажмуи ва банк соҳаларида кадрлар салоҳиятининг чекланганлиги халқаро молия институтлари кредит маблағларини самарали ўзлаштирилишини чекламоқда.

Шунингдек, инвестицияларни бошқариш самарадорлигини баҳолашнинг мустақил мониторинги ҳамда баҳолаш структураси, тизими ва механизмлари мавжуд эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари томонидан мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёт (GAEP), мақбул ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) ва бошқа стандартларга риоя этилишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификациялаш ва барқарор ривожланиши учун хусусий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашувчи самарали тизимни яратиш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган бошқоқли дон интервенциясини амалга ошириш учун керакли бўлган ҳажмдан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг стратегик йўналишлари ва эҳтиёжларига мос кредитлаш ва суғурталаш механизмини такомиллаштириш;

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини кредитлашда «омборхона гувоҳномалари» механизмини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси бўйича фаолиятини кенгайтириш;

кўшимча механизмлар ва молиявий воситаларни жорий этиш ва бозор иштирокчиларига тенг имкониятлар яратиш орқали ҳамкорликнинг шаффоф механизмини ишлаб чиқиш;

ресурс таъминоти ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ностратегик давлат корхоналарини хусусийлаштириш орқали ресурслар ва хизматлар бозорида рақобатни кучайтириш;

имтиёзли кредит ҳисобига ресурслар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш амалиётидан воз кечиш;

агросаноат мажмуи субъектлари ўртасида фьючерс шартномалари асосида ишлашга кўмаклашиш ва буни рағбатлантириб бориш;

ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи қийматини бозор нархларида

аниқлаш тартибини қайта кўриб чиқиш орқали ер участкаларига бўлган ҳуқукдан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш механизмини такомиллаштириш;

халқаро молия институтларининг кредит линиялари мақсадли жалб этилишини таъминлаш мақсадида инвестиция дастурини ишлаб чиқиш;

тижорат банклари томонидан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун кредит ресурсларини ажратишни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тартибини қайта кўриб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида интенсив инновацион технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.

IV. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 млн гектар ерларнинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган ерлар ҳисобланади. Сўнгги 15 йил мобайнида аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар 24 фоизга (0,23 га дан 0,16 гача) камайган.

Мазкур ҳолат аҳоли сонининг ўсиши, сув таъминоти ҳажмининг қисқариши ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг бошқа ер фонди тоифаларига ўтиши натижасида юзага келган.

Прогнозларга кўра, келгуси 30 йил мобайнида суғориладиган ер майдонлари яна 20 — 25 фоизга қисқариши мумкин.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг етарли даражада кафолатланмаганлиги хўжаликларни бошқариш самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда ва инвестицияларни жалб қилишни чекламоқда.

Ҳозирги вақтда ер участкаларини тақсимлашнинг ҳамда ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг аниқ ва шаффоф механизмлари тўлиқ яратилмаган.

Шунингдек, ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш назарда тутилмаганлиги қишлоқ хўжалиги ерларини нисбатан салоҳиятли ердан фойдаланувчиларга ўтишига тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакат сув ресурсларининг қарийб 80 фоизи трансчегаравий сув ҳавзалари ҳисобига шаклланади. Мазкур ҳолат Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини барқарор бошқариш учун минтақавий ҳамкорликнинг муҳимлигини белгилайди. Мамлакатда ирригация тармоқларининг 70 фоизи фильтрацияга қарши қопламага эга эмас, оқибатда сувнинг бир қисми далагача етказиш жараёнида йўқотилмоқда.

Мавжуд ирригация инфратузилмаси, насос станцияларининг катта қисми 30 — 40 йилдан ортиқ фойдаланилмоқда ва реконструкция ёки капитал таъмирга муҳтож.

Ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг фақатгина 1,7 фоизида томчилатиб суғориш жорий этилган.

Деҳқончиликнинг ирригацияга юқори даражада боғлиқлиги сабабли анъанавий сугориш услубларини қўллашнинг давом этаётганлиги ҳамда иқлим ўзгариши натижасида қурғоқчиликнинг кескин кучайиши билан вазият янада мураккаблашиши мумкин.

Жаҳон ресурслари институтининг прогнозига кўра, 2040 йилга бориб Ўзбекистон сув танқислиги энг юқори бўлган 33 та мамлакатнинг бирига айланади. Ҳосилдорликнинг камайиши озиқ-овқат хавфсизлиги ва тўлов баланси учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқаради, бу эса сув ресурсларини барқарор бошқариш ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурс тежамкор технологияларни қўллаш заруратини юзага келтиради.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув етказиб бериш харажатларини қоплаш механизмининг мавжуд эмаслиги сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилишга тўсқинлик қилмоқда.

Европа Иттифоқи Парламентининг сув бўйича директивасига (2000/60/ЕИ) мос янги замонавий сув қонунчилигининг жорий қилиниши, келгусида сув сиёсатини тартибга соладиган зарур норматив-ҳуқуқий база ишлаб чиқирилиши ва сув ресурсларини бошқаришнинг уйғунлашган услублари жорий қилинишини таъминлайди.

Мамлакат табиий ресурсларининг асосий таркибий қисмларидан бири ўрмон фонди ерлари бўлиб, 11,1 млн гектарни ёки умумий майдоннинг 25 фоизини ташкил этади. Ўрмон билан қопланган майдонлар эса 3,2 млн гектарга (29 фоиз) тенг.

Сўнгги йилларда Ҳукумат томонидан ўрмон ресурсларини бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил этилди, ўрмонлар майдонини 2,3 млн гектарга кенгайтириш, 12 та янги ўрмон хўжаликларини ташкил этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, Орол денгизининг қуриган сатҳида ўрмонлар барпо қилиш, химоя ўрмонзорлар майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги ерларида шамолдан химояловчи яшил йўлакларни кўпайтириш, мукамал мониторинг тизимини яратиш ва экологик таълим дастурларини такомиллаштириш ишлари олиб борилди.

Шу билан бирга, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш натижасида атроф-муҳит ва иқлим учун юзага келадиган салбий оқибатларни камайитиришга қаратилган қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларининг барқарор ривожланиши учун табиий ресурсларни самарали бошқариш асосий устувор йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатда минимал агроэкологик стандартлар мавжуд бўлсада, уларнинг асосий қисми эски технологияларга асосланган. Қишлоқ хўжалиги амалиётларини ишлаб чиқишда экологик омиллар ҳисобга олинмайди.

Агроэкологик амалиётларни яхшилаш ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш стандартлари ва механизмларини ишлаб чиқишда экологик омилларга интеграция қилиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда табиий ресурслардан

оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиётни (GAEP) ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга мўлжалланган мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёт (GAEP) тамойилларига риоя этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёти (GAEP), шунингдек, аграр тадбиркорликка мақбул ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) ҳамда бошқа сифат стандартларини жорий этишга кўмаклашиш чораларини кўриш;

қишлоқ хўжалигида экология ва иқлим учун хавфсиз амалиётни тартиб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизмни такомиллаштириш ва мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда деҳқон хўжаликлари ерларини вақтинча фойдаланиш учун бериш тартибини жорий этиш ҳамда белгиланган тартибда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар бекор қилинганда туташ ҳудуддаги ердан фойдаланувчилар томонидан дастлабки рад этиш ҳуқуқини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш;

2030 йилга қадар бир гектар майдонни суғориш учун ишлатиладиган сув сарфини 20 фоизга камайтириш;

маҳаллий сув тежовчи технологияларни ишлаб чиқарувчилар ва харидорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш;

ўрмон ресурсларини бошқариш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

иқлим ўзгариши таъсирини олдини олиш бўйича ҳаракатлар миллий режасини қабул қилиш;

тупроқни таҳлил қилишнинг мобил лабораторияларини харид қилиш орқали тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда ўғитдан фойдаланишнинг самарали амалиётини жорий этиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ҳисобга олишнинг кадастр тизимини такомиллаштириш ҳамда ердан фойдаланиш ва мулк ҳуқуқларининг ҳисобини юритиш учун кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини ҳисобга олиш тизими билан ягона ахборот тизимини бирлаштириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кадастр баҳосини аниқлаш тизимини қайта кўриб чиқиш;

сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш;

смарт технологияларидан (мини ўлчов станциялари ва «ақлли таёқча») фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигида сув билан таъминлаш харажатларини қоплаш тартибини ишлаб чиқиш;

ўрмон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш;
ўрмон ресурсларини баҳолаш ва унинг мониторингини юритишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

бозор баҳосида ўрмон ресурсларининг ҳисобини юритишни таъминловчи мезонлар ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш;

биологик хавфсизликни таъминлаш, қишлоқ хўжалигида табиий ресурслар, пестицидлар ва кимёвий воситалардан фойдаланишни назорат қилиш борасида институционал салоҳиятни мустаҳкамлаш;

экотизим ва биотопларнинг ҳолатига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таъсирини мониторинг қилиш учун Мақбул қишлоқ хўжалик ва экологик амалиёт (GAEP) асосида минимал экологик стандартлар ва талабларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг кадастр тизимини ривожлантириш, ер ресурсларини бошқариш соҳасидаги муассасаларнинг имкониятлари ва инфратузилмасини модернизация қилиш;

ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига хусусий инвестицияларни жалб этиш мақсадида суғориш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тажриба синов тариқасида жорий этиш.

V. Давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш

Агросаноат мажмуидаги давлат органларининг функциялари асосан ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришга йўналтирилган ва уларнинг айримлари хусусий секторга ўтказилиши мумкин.

Мева-сабзавотчилик ва чорвачилик соҳаларида сезиларли ўсиш кузатилишига қарамасдан, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси, моддий ресурслар таъминоти ҳамда илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг аксарият қисми пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришга мўлжалланган.

Халқаро стандарт ва талабларга жавоб берадиган замонавий ва сифатли хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг етишмаслиги соҳадаги муаммоларни янада мураккаблаштиради. Бу биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, ветеринария ва фитосанитария билан боғлиқ давлат хизматларига тааллуқлидир.

Янги бозорларга чиқиш учун ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчиларга сертификациялаш ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи хусусий секторни ривожлантириш зарур.

Бугунги кунда давлат корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар монополь кўринишга эга бўлиб, соҳага хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурслар билан таъминлаш ва маркетинг хизматларини кўрсатишда рақобатни шакллантиришга салбий таъсир қилмоқда.

Аграр бозорнинг эҳтиёжларини қондира оладиган тизимлар, хизматлар ва мувофиқлаштириш механизмларини яратиш орқали мавжуд институцио-

нал тузилмани қайта кўриб чиқиш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

қишлоқ хўжалиги вазирлигини функционал баҳолаш (Management Functional Assessment Model — MFAM) ва унинг натижалари бўйича янги ваколат ва фаолият йўналишларини белгилаш мақсадида вазирликнинг тузилмаси ва бўлинмалари фаолиятини қайта кўриб чиқиш;

Стратегияни амалга оширишга масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш;

тармоқ вазирлик ва идоралар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш орқали рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув ходимларнинг стратегик ва лойиҳа бошқарувидаги салоҳиятини ошириш;

тармоқда қўшимча хизматларни кўрсатиш мақсадида давлат-хусусий шериклик моделини ривожлантириш;

соҳанинг манфаатдор томонлари (давлат, хусусий ва жамоат ташкилотларидан иборат) форумини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш бўйича Хукумат ва ҳамкорлар (соҳани қўллаб-қувватлашга жалб этилган барча донорлар ва халқаро молия институтлари) форумини ташкил этиш.

VI. Тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш

Ҳозирги вақтда давлатнинг қишлоқ хўжалигига сарфланадиган харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (1,68 фоиз) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) кирмайдиган (0,62 фоиз), ўртача даражадаги даромадли давлатларга нисбатан қарийб уч баравар ва ИХТТга аъзо мамлакатларга (0,17) нисбатан ўн баравар кўпдир.

Шунга қарамадан, қишлоқ хўжалигида самарадорлик ва рақобатбардошлик ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг даромадлари нисбатан пастлигича қолмоқда.

Соҳани давлат томонидан молиялаштиришнинг асосий қисми бевосита ирригация учун сарфланади (63 фоиз) ҳамда асосан пахта ва бошоқли дон етиштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бюджет маблағларининг катта қисми насос станцияларининг электр энергиясини қоплаш учун сарфланади, оқибатда мавжуд ирригация ва дренаж тизимларини эксплуатация қилиш ва сақлаш, уларни ривожлантириш ва модернизация қилиш харажатлари тўлиқ қопланмаяпти.

Ҳозирги вақтда умумий хизматларни қўллаб-қувватлашнинг катта қисми давлат бюджетда «бошқалар» харажат моддаси сифатида акс этади, бу эса соҳада давлат харажатларининг стратегик режалаштирилиши йўқлигидан далолат беради. Бюджет тизимида соҳани қўллаб-қувватлаш учун халқаро молиявий ва кредит дастурлари (3,5 млрд АҚШ доллардан ортиқ) ва дав-

латнинг йирик инвестиция дастурлари ёки стратегик режалаштириш жараёнлари ўртасида алоқа мавжуд эмас.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қуйидаги йўналишлардаги давлат дастурлари ва хизматларига ажратилаётган бюджет маблағлари миқдорини қайта кўриб чиқиш ҳамда молиялаш тизимини такомиллаштириш лозим бўлади:

атроф-мухитни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш;

озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш, ветеринария ва фитосанитария хизматлари;

бирлашмаларнинг турли шакллари қўллаб-қувватлаш (кооперативлар, кластерлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари);

статистик маълумотларни йиғиш ва аграр бозорлар мониторингини юритиш тизимини такомиллаштириш, бозор ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги амалий тадқиқотлар ва изланишлар, таълим ва билимларни тарқатиш тизимини ривожлантириш.

Мазкур йўналишнинг асосий мақсади аграр сиёсатнинг янги устувор йўналишларига мувофиқ асосий давлат хизматларини кўрсатиш ва тарқибий ўзгаришлар дастурларини амалга оширишга йўналтириладиган қишлоқ хўжалигига ажратилаётган давлат молиявий ресурсларини босқичма-босқич қайта тақсимлаш орқали маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

қишлоқ хўжалигини молиялаштириш учун харажатлар тақсимотини қайта кўриб чиқиб, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари ва қишлоқ хўжалиги билимларини тарқатиш тизими, ахборот ва маслаҳат хизматлари учун ажратиладиган маблағлар ҳажминини ошириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғи билан боғлиқ бўлган барча бюджетдан ташқари жамғармалар фаолиятини тўлиқ аудитдан ўтказиш ва кўрсатилаётган хизматларни хусусий секторга бериш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўрта муддатли бюджет дастурларини самарали амалга ошириш мақсадида халқаро техник кўмак маблағларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича дастурларни жорий этиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида солиққа тортиш тизимини чуқур таҳлил қилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

VII. Қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш

Илмий-тадқиқот, таълим ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатишни ўзаро боғлайдиган қишлоқ хўжалигига оид билим ва ахборотларни тарқатиш бўйича самарали тизимнинг йўқлиги соҳани илмий асосда ривожлан-

тиришдаги энг жиддий тўсиқлардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда илмий-тадқиқотлар учун давлат инвестициялари даражаси қишлоқ хўжалиги умумий бюджетининг 0,2 фоизини ташкил этади.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги давлат томонидан молиялаштирилган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий қилишни сезиларли даражада чекламоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинлари маҳаллий навларининг ҳосилдорлиги паст ва ташқи бозор талабларига жавоб бермайди. Импорт қилинадиган қиммат ва маҳаллий шароитларга мослаштирилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари навларига қарамлик янада ортиб бормоқда.

Таълим муассасаларида ўқув ва касбий тайёргарлик курслари, таълим тизими, шакли ва ўқитиш усуллари замон талабларига жавоб бермайди. Меҳнат бозори талабларини ўрганиш ва янги мутахассисликларни жорий этиш учун тармоқлараро ва идоралараро мувофиқлаштириш тизимини яратиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатда қишлоқ хўжалигига оид билим ва ахборотлар тарқатиш учун замонавий хусусий тузилмалар мавжуд эмас.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат таъминоти, таълим, малака ошириш ва ахборот-маслаҳат хизматлари соҳаларида замонавий, интеграциялашган ва мослашувчан тизимни яратиш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари фаолияти ва илм-фан соҳасини тубдан ислоҳ қилиш;

донор ташкилотлар техник қўмағида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кадрларнинг таълим ва касбий тайёргарлик тизимини ислоҳ қилиш;

агробизнес субъектлари учун мўлжалланган давлат хизматлари ва тизимларининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш мақсадида мавжуд маъмурий тизимларни аудитдан ўтказиш, шунингдек, таркибий қайта тузиш ва соддалаштириш режаларини ишлаб чиқиш;

экологик хавфсиз услублар ҳамда қишлоқ хўжалиги амалиётлари ва технологиялари, иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш ва унга мослашиш борасидаги ахборот-маслаҳат хизматларини Мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш;

агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказларига махсус ходимларни тайёрлаш;

мамлакатнинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этиш.

VIII. Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш

Мамлакат аҳолисининг қарийб 16,4 миллиони (жами аҳолининг 49,4 фоизи) қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилади (2018 й.). Мамлакатда туғилиш даражаси юқори (23,3 промилле) ва шунга мос равишда қишлоқ

жойларида ортикча ишчи кучи мавжуд. 25 ёшгача бўлган одамлар аҳолининг 45,5 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 55 фоиздан кўпрогини ташкил этади.

Қишлоқ ҳудудларида давлат хизматлари, шунингдек транспорт ва аҳборот-коммуникация алоқалари даражаси пастлигича қолмоқда. Ҳудудий эҳтиёжларни батафсил баҳолашга асосланган ва рақобат афзалликларини ҳисобга олган ҳолда комплекс стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Аграр секторда амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари аксарият ҳолларда тўғридан-тўғри фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига йўналтирилган.

Хорижий мамлакатлар бўйича маълумотлар таҳлил қилинганда, қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий тараққий этиши қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан бевосита боғлиқлиги ва шундагина муваффақиятга эришилиши, маҳаллаларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган субсидияларга асосланган ислохотлар самарасиз эканлиги кузатилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг мувофиқлаштируви остида амалга оширилаётган қишлоқларни ривожлантириш дастурлари, асосан, ҳудудий иқтисодий номутаносибликни бартараф этишга қаратилган бўлиб, йирик шаҳар марказлари фойдаси учун, қишлоқ аҳолисининг кичик бир қисми — фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган бошқа тадбиркорлар сектори томонидан қўллаб-қувватланади, бироқ қишлоқ маҳаллалари четда қолмоқда.

Қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожланишини таъминлаш мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш соҳасида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш;

қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш учун реал эҳтиёжларни батафсил баҳолашни олиб бориш;

қишлоқ маҳаллаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қарорлар қабул қилишни номарказлаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ноқишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил этиш ва ривожлантириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг мавжуд имкониятларини сафарбар қилиш ҳамда маҳалла фуқаролари, аграр тадбиркорлик, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун грант маблағлари ва инвестицияларни жалб этишнинг шаффоф механизминини ишлаб чиқиш ва тажриба тариқасида амалга ошириш;

қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш миллий дастурини ишлаб чиқиш.

IX. Тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида маълумот ва ахборот йи-

ғиш тизими марказлаштирилган режали иқтисодиёт тамойиллари асосида ишлаб чиқилган эскирган механизм ва амалиётга асосланган.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини баҳолаш натижалари жойлардаги ҳақиқий ҳолатга мос келмайди.

Аниқ ва ишончли маълумотларнинг етишмаслиги янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини, шунингдек, уларнинг соҳага таъсирини объектив баҳолаш имконини бермайди.

Ишончли маркетинг маълумотларининг етишмаслиги фермерлар ва бошқа агробизнес субъектлари томонидан бизнес режаларни ишлаб чиқишда ёки фаолиятини тўғри режалаштиришда мавжуд ва ўзгарувчан бозор имкониятларидан фойдаланишни сезиларли даражада чекламоқда.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғи ҳолатини ақс эттирувчи ишончли статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш тизимига инвестицияларнинг жалб қилиниши давлат ва хусусий сектор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур устувор йўналишнинг асосий мақсади бўлиб, ишончли статистик маълумотларни тўплаш, таққослаш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланади:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари статистикасини ривожлантиришнинг аниқ режасини қабул қилиш;

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари (ҳаражат, даромад, фойда, рентабеллик) тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таққослаш ва чоп этиш;

«Ақлли қишлоқ хўжалиги»ни ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш;

маҳсулот етиштириш самарадорлиги, тармоқларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, меҳнат қонунчилиги, солиққа тортиш, кредитлаш ва бошқа зарур маълумотларни қамраб олган фермер хўжалигини юритиш маълумотномасини (справочник) чоп этиш;

йирик маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар тўғрисида маълумот ва ахборотлар каталогини чоп этиш;

соҳада амалга оширилган чоралар ва эришилган натижалар ҳамда давлат сиёсатининг истиқболли чораларини ўзида қамраб олган қишлоқ хўжалигининг йиллик ҳисоботини (Agriculture annual report) чоп этиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида миллий тизим ва хизматларни ривожлантириш учун маълумотлар алмашинуви платформаларида ҳамда халқаро форумларда фаол иштирок этиш;

қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишни (Agriculture census) ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини идентификациялаш, уларнинг ҳаракатини кузатиш ва мониторинг қилиш тизимини жорий этиш.

3-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Стратегия доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбе-

кистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасини 2030 йилгача ривожлантиришда қўйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:

ер ажратиш ва уни олиб қўйишда шаффоф тизим яратилади, коррупция ва бошқа субъектив ҳолатларнинг олди олинади, ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини кафолатлайдиган тизим яратилади;

ерларни ноқонуний ажратиш, улардан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари кескин камайишига эришилади;

1,1 млн гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ўзлаштирилади, 535,6 минг гектар лалми, яйлов ва бошқа ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ортади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўлиқ хатловдан ўтказилади;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг ҳақиқий бозор нархи шаклланади, бу ҳуқуқдан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш мумкин бўлади, тадбиркорлар ва аҳоли қўлидаги капитал қиймати ўз-ўзидан ортади, ер солиғи солинадиган базани кенгайтириш имконияти яратилади;

республика ҳудудларида сугоришнинг сув тежовчи тизимларидан фойдаланилиш майдонлари кенгайтирилади ва ушбу тизимларни жорий қилишни рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилади;

сув истеъмолчилари ва сув етказиб берувчилар ўртасида ҳисоб-китоблар истеъмол қилинган сувни етказиб бериш учун қилинган ҳақиқий харажатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ва бозор механизмлари асосида амалга оширилади;

ҳудудлар ихтисослаштирилади, бир жойда бир хил маҳсулотларни етиштириш, агроинновацион ғояларни жорий этиш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга шароит яратилади;

пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлатнинг иштирокидан босқичма-босқич воз кечилади;

пахта хом ашёси ва бошоқли дон маҳсулотлари етиштирувчилари билан қабул қилувчилар ўртасида маҳсулот ҳажмига қараб шартнома тузиш тизими йўлга қўйилади;

ерларнинг турига қараб юқори ҳосил берувчи экинлар етиштирувчилар томонидан мустақил жойлаштирилади;

майда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ерлардан оқилона фойдаланиш имконияти яратилади;

сифатли рақобатбардош мева ва сабзавотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш ва экспорт ўсиши барқарорлигини таъминлашга эришилади;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси амалга оширилади;

кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта таълим ўртасида узвий алоқадорлик таъминланади;

илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техник базаси яхшиланади, лаборатория жиҳозлари янгиланади, ходимларнинг малакаси оширилади;

қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказилади;

бошоқли донни биржа савдоларида чекловларсиз сотилишига имкон яратилади, давлат харидлари камайтирилади;

бошоқли дон бозорида интервенцион механизмлар жорий этилади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва рақобатбардошлиги ортади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига мақбул қишлоқ хўжалиги ва экологик амалиёти (GAEP), аграр тадбиркорликка мақбул ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) ва бошқа сифат стандартлари жорий этилади;

қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатишнинг шаффофлик ва рақобатга асосланган бозор хизматлари ривожланади;

қишлоқ хўжалигида ўртача меҳнат унумдорлиги 1,7 баробар ошади;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 млн тонна қувват яратилади;

маҳсулотларни қайта ишлаш кўрсаткичи 30 фоизга етказилади (2030 йилга қадар экспорт ҳажми 20 млрд АҚШ долларига етказилади).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

816 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни ривожлантириш учун бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ҳукумат қарорларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган, шу жумладан экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланган жарима суммасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қайтариб бериш тартибини аниқлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 октябрда эълон қилинган.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 октябрь,
ПФ–5856-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 24 октябрдаги
ПФ–5856-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги ПФ–837-сон Фармони билан тасдиқланган Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисидаги низомнинг 10-банди:

а) қуйидаги мазмундаги олтинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар жаримани қўллаш масаласини кўриб чиқиш пайтига келиб, валюта маблағларининг келиб тушиши ёки республикага товарларни олиб кириш ҳамда «эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, жарима қўлланилмайди.

Агар суднинг жарима қўллаш тўғрисидаги қарорини ижро этиш пайтига келиб, валюта маблағларининг келиб тушиши ёки республикага товарларни олиб кириш ҳамда «эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, қўлланилган жарима тўланмайди.

Агар жарима қўлланилганидан кейин 90 кунлик муддат ичида валюта маблағларининг келиб тушиши ёки республикага товарларни олиб кириш ҳамда «эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш таъминланган бўлса, тўланган жарима Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қайтариб берилиши лозим.»;

б) олтинчи хатбошиси тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5564-сон Фармони 1-банди «а» кичик бандининг бешинчи хатбошиси «ташқи савдо шартномалари бўйича қарзлар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**817 Давлат томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш учун тендер ҳужжатларини ва техник вазифаларни комплекс экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш тўғрисида***

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш ва аҳолини сифатли, арзон дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш учун шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ–3550-сон қарори билан тасдиқланган Давлат томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш учун тендер ҳужжатларини ва техник вазифаларни комплекс экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3¹-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ва унинг ҳудудида тиббий мақсадларда қўллашга рухсат этилган, стратегик харидор ёки устав капиталида (фондида) стратегик харидорнинг улуши бўлган юридик шахс томонидан ишлаб чиқарувчилар билан шартнома тузиш шarti билан сотиб олинadиган дори воситалари, дори субстанциялари, иммунобиологик (вакциналар, зардоблар, анатоксинлар, аллергенлар) ва радиофармацевтик препаратлар, гомеопатик, диагностик ва стерилизация воситалари, шунингдек, тиббиёт буюмлари».

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган қарорларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 октябрь,
ПҚ–4493-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**818** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4234-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

«Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, кўмир қазиб олишни янада кўпайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4234-сон қарорига:

1 — 5-бандлар ҳамда 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

6-банддаги «ПрогрессГорТех» МЧЖ (Россия Федерацияси)» сўзлари «ишончли бошқарувчи» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг «в» кичик банди иккинчи хатбошиси «божхона расмийлаштируви» сўзларидан олдин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Гулямов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 октябрь,
ПҚ-4497-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**819 Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

2018-2019 йиллар мобайнида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, хунармандчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш орқали уларнинг кўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шарт-шароитлар яратиш борасида дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг, айниқса чекка ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг маълум бир миқдорда иқтисодий ҳолати яхшиланишига кўмак бўлди.

Шу билан бирга, кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббуслари бўйича дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат иштирокидаги тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш ва банк хизматларининг оммабоплигини ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги ПФ-5780-сон Фармонида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурларда давлат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг мақсадлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5242-сон, 2018 йил 2 февралдаги «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сон ва 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 октябрда эълон қилинган.

тини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3680-сон, 2018 йил 7 июндаги «Хар бир оила — тадбиркор» дастури-ни амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ–3777-сон, 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3856-сон ва 2019 йил 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4231-сон қарорлари билан республикада кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш, аёллар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари (кейинги ўринларда — Дастурлар) амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича устувор равишда АТ Халқ банки, «Микрокредитбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ (кейинги ўринларда — ваколатли банклар) орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғармалар) ва бошқа жамғармалар ҳисобидан кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларига ваколатли банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар беришга рухсат этилади;

Дастурларни молиялаштириш учун ресурслар ажратадиган Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Жамғармалар ресурсларининг 2020 — 2022 йилларда сўндириладиган қисми ҳар ойда ваколатли банкларга Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади, бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоиз паст қилиб белгиланади.

3. Қуйидагилар:

Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни 2020 йилда марказлашган ресурслар ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадли параметрлари 1-иловага*;

2020 йилда ваколатли банклар томонидан Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлашнинг мақсадли параметрлари 2, 2а, 2б, 2в-илловаларга*;

* 1-2-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат дастурлари доирасида ажратилган кредит линияларни 2020 — 2022 йилларда қайтариш прогнози 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

4. Ваколатли банклар кузатув кенгашлари икки ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

барча хуудларда «банк хизматлари офислари»нинг кенг тармоғини яратиш, бунда зарур ҳолларда, мавжуд филиаллар тармоғи тузилмасини қайта кўриб чиқиш;

ахборот технологияларини қўллаш орқали янги банк хизматлари ҳамда «модулли» кредитлаш асосида янги кредит турларини фаол жорий қилиш;

кичик бизнес ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи долзарб молиявий муаммоларни ҳал қилиш қисми бўйича хуудларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан ҳамкорлик қилиш;

банклар Кенгашлари таркибига банкларнинг бошқаруви томонидан тақдим этилган ахборот ва таклифларни амалий баҳс ва мунозара қилишга қодир мустақил аъзоларни сайлаш орқали корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва самарадорлигини ошириш;

коррупцияни бартараф этишга қаратилган манфаатлар тўқнашувининг олдини олувчи ва тартибга солувчи сиёсатни амалга ошириш, тижорат банкларининг бошқарув аъзолари ва ходимлари томонидан рияз этилиши мажбурий бўлган ахлоқий қоидаларни такомиллаштириш;

банк ички мониторинг тизимини жорий қилиш орқали банкларнинг «мижозга йўналтирилганлик» иш услубини янада кучайтириш, мижозларга хизмат кўрсатишда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2019 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон Фармони доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун АТ Халқ банки устав капиталини 250 миллиард сўмга, «Микрокредитбанк» АТБ устав капиталини 170 миллиард сўмга ва «Агробанк» АТБ устав капиталини 290 миллиард сўмга ошириш учун маблағлар ажратсин.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари билан биргаликда ажратилган ресурслар доирасида ваколатли банклар молиялаштирадиган ёшлар томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхатини шакллантирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда ҳар бир туман кесимида Дастурлар доирасида ажратиладиган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва кредитнинг қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва туманлар кенгашларига ҳар чоракда Қорақалпоғистон

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосарининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари биринчи ўринбосарларининг Дастурларни амалга ошириш самарадорлиги борасидаги ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 октябрь,
ПҚ-4498-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БЎЙРУҒИ

820 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2008-41-сон буйруғи (рўйхат рақами 1899, 2009 йил 6 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
2019-56-сон

А. НАЗИРОВ

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2019 йил 14 октябрдаги
2019-56-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозори профессионал
иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддимадан «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда» ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 31-32-сон, 298-модда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 13-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 13¹-банд билан тўлдирилсин:

«13¹. I ёки II тоифали малака гувоҳномасига эга профессионал иштирокчи, фонд биржаси, бошқа биржа фонд бўлимининг назоратчиси қуйидагилардан бирига эга бўлиши лозим:

молиявий-иқтисодий, юридик, математик ёки ахборот технологиялари мутахассисликларидан бири бўйича олий маълумотга;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, фонд биржалари, бошқа биржалар фонд бўлимларида ёки фаолиятнинг иқтисодий, молиявий, юридик соҳаларида, ахборот технологиялари соҳасида ёхуд кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича давлат бошқарув органларидаги ишда охириги ўн йилда камида беш йиллик иш стажига.»

4. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Назоратчи томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган ҳолда, назоратчи иш қунидан кечиктирмасдан аниқланган қонунбузилиши тўғрисида профессионал иштирокчисининг раҳбарига ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ёзма равишда ахборот беради.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

821 «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370-3

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 августдаги 650-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Капитал бозорини ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
2019-57-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
капитал бозорини ривожлантириш агентлиги
директорининг 2019 йил 14 октябрдаги
2019-57-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2012 йил 11 майдаги 2012-05-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2370, 2012 йил 15 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 25-сон, 276-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Бош директорининг 2014 йил 12 февралдаги 2014-07-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2370-1, 2014 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 9-сон, 97-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-17-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2370-2, 2019 йил 11 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019 й., 10/19/2370-2/2744-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**822 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1135-1

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 22 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларида маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 1135, 2002 йил 7 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 26/3-3325-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2002 йил 26 февралдаги 51-сон «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларида маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1135, 2002 йил 7 май) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 октябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 октябрь,
483-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

823 **Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-5

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ–567-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 3-банди иккинчи хатбошисидаги «руҳий касал» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 октябрь,
01-02/12-58-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 октябрда эълон қилинган.

Келишилган:

Давлат статистика
қўмитаси раиси

Б. БЕГАЛОВ

2019 йил 8 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

824 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3033-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 22 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
бўраман:

1. «Омухта ерни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 3033, 2018 йил 3 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 24 июлдаги РГ-1-7/6-3427-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2018 йил 28 майдаги 18, 99-сон «Омухта ерни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3033, 2018 йил 3 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 октябрда эълон қилинган.

вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 октябрь,
485-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 19 октябрдан 25 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 14 октябрдаги 2019-56-сон «Қимматли қозғалар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-8.

2. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 14 октябрдаги 2019-57-сон «Қимматли қозғалар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370-3.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги 483-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1135-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 10 октябрдаги 01-02/12-58-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-5.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 24 октябрдаги 485-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3033-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2370, 2012 йил 15 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 2370-1, 2014 йил 26 февраль), (рўйхат рақами 2370-2, 2019 йил 11 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги 482-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларида маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1135, 2002 йил 7 май).

Адлия вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги 483-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Омухта ерни биржа савдолари орқали реализация қилиш (сотиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3033, 2018 йил 3 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 24 октябрдаги 485-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.